МУСТАҚИЛЛИК

29 декабрь Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти муқобил асосда умумхалқ томонидан сайланди. **1991 йил**

17 февраль Ўзбекистон Иқтисодий Ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ)нинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. **26 февраль** Хельсинки Якунловчи актини Ўзбекистон Республикаси номидан мамлакат Президенти имзолади. **1992 йил**

4 март Ўзбекистон Республикасининг "Соғлом авлод учун ордени" таъсис этилди. *27 апрель* Ўзбекистон Республикаси Президенти Германия Федератив Республикасига расмий ташриф буюрди. **1993 йил**

2 март Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерациясига расмий ташриф буюрди. *25 апрель* Франция Республикаси Президенти Ўзбекистонга давлат ташрифи билан келди. **1994 йил**

23 февраль Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг I сессияси иш бошлади. *26 март* Ўзбекистон Республикаси Референдуми бўлиб ўтди. Унда иштирок этган фуқароларнинг 99,6 фойизи мамлакат Президенти ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш учун овоз бердилар. **1995 йил**

ЗАРВАРАҚЛАРИ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 3 август, шанба № 99 (22.020).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЭЙФЕЛЬ МИНОРАСИДАН ҲАМ ЮКСАКРОҚ

Франция ҳукумати мамлакатнинг жанубий қисмида қурилажак улкан кўприк лойиҳасини маъқуллади. Бу кўприк Эйфель минорасидан ҳам 30 метр баланддир. Қурилиш лойиҳасига кўра кўприкка бир ярим миллиард франк сарфланиши кўзда тутилган. Кўприк 2001 йилда қуриб битказилади.

Қурилиш лойиҳасини эса Буюк Британиялик меъморлар тайёрлашганди. Шунданми, француз меъморларининг бунга бироз ғаши келяпти.

Французларнинг таъкидлашича, кўприкнинг баҳайбат кўриниши мамлакатнинг бетакрор сўлим ҳуснига доғ бўлиб тушаркан.

ВАГОН СУДРАГАН ОДАМ

Вьетнамлик Чу Тан Куонг Германиядаги ҳарбий санъат мактабига раҳбарлик қилади. Шунингдек, ўзи ҳам кўплаб қизиқарли томошалар ўтказиб туради. Германияда унинг ашаддий ишқибозлари, мухлислари кўплаб топилади. Чу Тан Куонг темир йўл вагонини (ясама, албатта) бўйнида «жилдиради». Бу қалтис томошасининг қизиқувчилари борган сари ортяпти.

Шу тариқа шарқона якка кураш устаси ўзига хос рекорд ўрнатди. Ўн бир тонналик вагонни у шу зайлда 31,3 метр масофага «судраб» борди.

ЗОЛУШКАНИНГ ТУФЛИСИ

Бу йилги Олимпия ўйинлари тоғ велопойгаси бўйича ғолибаси италиялик Паола Пеццо машғулотлардан бўш вақтини зое кетказмайди. У шундай кезлари реклама компанияси билан ҳамкорлик қилади. Ғолиба реклама ўрамларида спортча пойабзалларни намойиш этади, Паола, шунингдек, ўзидаги актёрлик маҳоратини ҳам вақти-вақти билан намоён этиб туради.

Қироллик балида Золушка ролида ўйнайди. Паола бу ҳақда қизиққанларга: «ҳаёт тарзимни янада яхшилашга интиляпман!» дейди ғурур билан.

Тоғ велопойгаси бу йил илк марта Олимпия ўйинлари дастурига киритилди.

КАНАДАДАГИ ТАНГА ЎҒРИЛАРИ

Канада полицияси ҳалиям йўқолган «оғир юкли» машина-тройлерни қидиришни давом эттиряпти. Ҳақиқатан ҳам, «оғир юк» ҳар бири икки долларлик бир ярим миллионта тангалардир. Бу «оғир юк» белгиланган маҳаллий банкка етказилиши зарур эди. Тройлер темир йўл омборхонаси ҳовлисидаги махсус майдончада турганди.

Куппа-кундузи соқчиларнинг тумшуғи тагидан уни «ўмариб» кетишди. Қизиғи шундаки, ўғрилар хизматчиларнинг совуққонлиги ва бепарволиги туфайли ҳеч қаршиликсиз «хавф»ли чегарадан ўтиб олишган.

Бу Канада тарихида биринчи бор шундай қимматбаҳо тангалар ўғирлигидир.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига

БИР УЛУҒ ЭЛ БОР ЖАҲОНДА

ВАТАН деган буюк тушунчани ким қандай тушунаркин? Кимгадир Ватан балки фақат туғилиб усган ёки яшаб турган ери, ҳудудинигина билдирар. Лекин мен учун Ватан — бу туғилиб усган кўчам, шаҳримгина эмас, балки уни тўлдириб турган катта-ю-кичик, ёшу қари, ранг-баранг, баъзан қувноқ, баъзан хомуш одамлар ҳамдир. Ватанга муҳаббат деганда мен энг аввал ана шу инсонларга муҳаббатни тушунаман.

Мен ўқитувчиман. Аввал жуда қийналганман. Буни фақат ўқитувчигина ҳис қила олса керак. 30-40 та боланинг диққатини ўзига қаратиш, тинчлантириш, дарс материалини ўзлаштиришнинг ўзи бўлмайди.

Мана кейинги тўрт-беш йил ичида юртимизда ҳар бир фуқаронинг ҳаётида шу қадар буюк, оламшумул ўзгаришлар юз бердики, бу ҳодиса бир неча ўн йилликларга татийди. Совет Иттифоқининг парчаланиши, Мустақил Ўзбекистоннинг давлат сифатида ташкил топиши ва оламга танилиши, ўйлайманки, ҳар бир ўзбекистонликнинг ҳаётида чуқур из қолдирди. 70 йилдан буён миямизга қуйиб борилган сохта эътиқодлардан кечиб янгича бир тузумга ўтиш табиийки осон кечмайди. Оллоҳга шукрки, мана Ватанимиз буюк ўзгаришлар ва синов давридан ўтаётир.

Яқин, аммо шиддат билан биздан йироқлашаётган ўтмишда, аниқроғи, болалигимизда пионер лагерларида дам олганмиз. Албатта, сир эмас, ўша пайтда биз ўзимизни дунёдаги энг бахтли болалар деб ҳисоблардик. Аслида, дунё бизга фотография негативидек оқ-қора тусда бирёқлама ёритилаётганидан бехабар эдик. Ҳарбийлаштирилганга ўхшаш эрталабки линейкага сафланишлар, рапорт, шиор, отряд қўшиқлари мурғак қалбимизда ватанпарварлик, қандайдир буюк ишларга алоқадорлик, тартиб-интизом ҳиссини уйғотаётгандай туюларди. Хайриятки, истиқлол туфайли бундай сохта идеаллар фош этилди. Юртимиз узра янгиланиш, ўзликни англаш бошланди. Бу билан ёш авлодга Ватанга муҳаббат туйғусини сингдиришнинг аҳамияти ошса ошдики, асло камайгани йўқ.

Мухтасар сўзим шул: Тангрига шукрки, энди бугун ҳеч қўрқмасдан «бисмиллоҳир роҳманир роҳийм» дея оламиз, Ватанни севмоқ иймондандир дея фахрланиб айтмоқ бахтига муяссар бўлдик. Чунки бугун ўзимизнинг ҳақиқий асл тупроғимиз, она заминимиз бор. Бу улуғ Ўзбекистондир.

Сайёра СОДИҚОВА.

ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

Бизнинг наздимизда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада банк аудитлар тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони чин маънода мустақиллик туфайли туғилгандир.

Банк тизимига ишончни мустаҳкамлаш, банкларни аудиторлик текширишлар сифати ва таъсирчанлигини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги холисона таҳлил этилишини таъминлаш мақсадида ўз вақтида эълон қилинган бу Фармон банк аудитидек масъулиятли ва мураккаб соҳанинг келажагида катта аҳамият касб этиши, унинг ривожланишида муҳим ўрин тутиши турган гап.

Зотан мустақил республикамиз банк тизими олиб бораётган хайрли ишларда банк аудитларининг холисона хизмати ҳамиша муҳим ҳисобланади.

Бизга айниқса, Фармонда таъкидлаб ўтилган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк аудитини ўтказиш хусусида мамлакатимиз ва чет эл аудиторлик фирмалари билан тузиладиган шартномалар бўйича буюртмачи сифатида чиқишга ҳақли» деган сўзлар жуда маъқул тушди. Чунки республика банк аудити халқаро миқёсга чиқадиган, жаҳон андозаларида иш олиб борадиган кунлар яқин қолди. Бунга эса фақат Марказий банк атрофига жипслашиб, ҳамкорликда меҳнат қилиш билангина эришиш мумкин. Ушбу Фармон ана шу йўлда бизга дастуриламал бўлиб қолажагига аминмиз ва уни қўллаб-қувватлаймиз.

Рашид ПАТТОҲОВ, «Ўзбанкаудит» ҳиссадорлик жамияти бошқарувининг раиси.



Ўзбекистон болалари. Муҳаммад АМИН олган сурат.

ТЕГИРМОНЧИ ТУШИГА МАШИНА КИРАДИ

Сурхондарёнинг бош тегирмони — Шўрчи дон маҳсулотлари комбинати кунига 450 тоннадан зиёд ғаллани қайта ишлайди.

Шўрчи туманининг ўзида 100 дан зиёд тегирмон бор. Тегирмончиларнинг ошиғи олчи. Чунки ҳосил мўл бўлди. Туман ғаллакорлари республикада пешқадамлар қатори дон тайёрлаш режасини бажардилар. Ҳосилдорлик гектарига 37-38 центнер атрофида.

Дон мўл бўлса, тегирмон бузилмайди.

Битта тегирмончининг кайфиятини баён қилай: Шўрчининг Қораариқ қишлоғидан Бекмирза Сувонқулов эски машинасини сотиб, пулига янги тегирмон қурганди. Тегирмонининг дўлидан шовуллаб дон қуйилади. Бу шовуллашдан буғдой эгаси шод. Тегирмончининг кўнглига янгича орзулар қуйилади... Сотиб юборган машинасини ҳали-ҳали унутолмаган тегирмончининг тушига эса Асакадан чиқаётган машина кириб чиқади.

Олимжон УСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Мулоҳаза, таклиф

ЧИРОЙЛИ НОМЛАР ИЗЛАШ ШАРТМИ?..

Халқ ижодининг мевасидир бўлган топонимлар кўз қорачиғидай асралса асрлар оша, ҳатто минг йиллар ўтса ҳам яшайверади. Чунончи Туркистонда қадимги тиллардан қолган Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарғона каби кекса топонимларни кўплаб учратиш мумкин. Шу билан бирга айрим фотиҳлар, ҳукмронлар топонимлардан ўз номларини абадийлаштириш мақсадида ҳам фойдаланганлар.

Мемориал номлар, яъни «буюк арбоблар» шаънига ўзгартирилган топонимлар шўро даврида беқиёс кўпайиб кетганди. Бутун Совет Иттифоқида, хусусан Ўзбекистонда Ленин (Ильич, Ульянов) номи айниқса, «болалаб» кетган эди.

Олимлар топонимларни сиёсатдан, мафкурадан холи қилиш учун ҳарчанд ҳаракат қилишмасин ҳар қандай давлат ўз ҳудудидаги географик номларга бефарқ қарай олмайди. Хусусан, қадимдан халқ тарихи ва тилининг қимматли ёдгорликлари сифатида асрлар оша яшаб келган номлар ўзгартирилганидан кейин бунга ким чидай олади, дейсиз. Ҳолбуки, илмий тилда топонимлар деб аталадиган жой номлари муайян тилда халқ томонидан яратилади ва ўша даврнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақида ахборот беради. Бинобарин, халқ мулки ҳисобланади. У эса муқаддас ва дахлсиздир.

1989 йилда Ўзбекистон маданият фонди ҳузурида топонимия кенгаши тузилди. Уч йил ичида кенгаш аъзолари матбуот ва телевидение орқали чиқишлар қилдилар, конференциялар ўтказдилар. Кенгашнинг республика аҳлига жой номларининг «Қизил китоби»ни яратиш учун мурожаат эълон қилинди. Кенгаш низоми тасдиқланди. Ўзбек тили давлат тили мақомини олгач, топонимия кенгаши жой номларини миллийлаштириш ва илмийлаштириш, тарихий номларни халққа қайтариб бериш, колхоз-совхозларни теварак-атрофдаги жой номлари билан қайта аташ, бу жабҳада жамоатчилик, даврий матбуот фикрини ҳисобга олиш борасида дурустгина ишлар қилди. Ўзбекистон истиқлол йўлига киргач, республика ҳудудидаги жой номларини чинакам халқ мулкига, қишлоқ кенгашлари ҳамда аҳоли пунктларининг номлари ўзгартирилди. Буларнинг аксариси қайтадан тиқланган чинакам халқ номларидир: Пешқўрғон, Сангардак, Эшонгузар, Куйиккўприк, Оқдарбанд, Қатағонсарой, Бибиқорасоч, Янгизанг ва бошқалар. Янгидан қўйилган номлар орасида мазмун-маъно ва грамматик жиҳатдан ҳам ростакам топонимлар учрайди: Турон, Мирзообод, Чағониён, Қаршиобод, Сурхонбоши, Элобод кабиларни мисол келтириш мумкин. Шу билан бирга янги қўйилган номлар орасида Ўзбекистон харитасида олдиндан қайта-қайта такрорланадиган топонимлар ҳам учрайди: Бўстон, Наврўз, Пахтакор, Гулистон, Янгиҳаёт каби номлар кўпайиб кетди. Бу эса почта-телеграф алоқаларида янгилишишларга сабаб бўлади, топонимларни мазмун жиҳатдан қашшоқлаштиради, бошқача айтганда, жойнинг тарихи, табиий шароити билан боғлиқ бўлмаган сунъий топонимларнинг кўпайиб кетишига олиб келади. Нега шундай бўлди? Бунинг асосий сабаби шундаки, 1993 йилдан эътиборан туманлар, шаҳарларни истисно қилганда қишлоқ-овулларни, маданий-маиший муассасаларни номлаш ва қайта номлаш ишлари вилоят ҳокимликлари зиммасига юклатилди. Оқибати не бўлди? Бу ҳокимликлар бошқа ҳудудларда қандай номлар борлигидан бехабар ўзларича «чиройли» номларни қўяверишди.

Менинг таклифим: ана шундай бошбошдоқликларга чек қўйиш учун республикадаги барча шаҳар-қишлоқларга ном қўйиш, уларни қайта номлаш, номларнинг илмийлигини назорат қилиш ишларини Ўзбекистон Олий Мажлиси ихтиёрига бериш керак. Бундан ташқари, тарихий жой номлари, умуман топонимлар, уларнинг мақоми ҳақида республикада Қонун қабул қилиш вақти келди. Вазирлар Маҳкамасининг қарорида кўрсатилганидек, ҳокимликларнинг топонимик объектлар номларини тартибга солиш борасидаги ишлари талаб даражасида эмас.

Эски тузум давридан сақланиб қолган номларни ўзгартириш учун худди шу жойнинг тарихий, миллий, табиий ва бошқа маҳаллий шароитларини ҳисобга олиш зарур. Ҳавойи, реал воқеликни акс эттирмайдиган китобий сўзлар атоқли от вазифасини ўтай олмаслигини унутмаслик керак. Бахт, Бўстон, Наврўз каби калималар ҳар қанча чиройли, мазмундор бўлмасин, турдош отдан бошқа нарса эмас. Бу сўзларни чинакам топонимларга айлантириш учун эса ёнига қандайдир иккинчи сўз, йўқ деганда биронта қўшимча қўшиш керак.

Демак, барча маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш осон иш эмас. Бунинг учун ҳар бир туман, шаҳар ва бошқа масканлар ўз ҳудудидаги жойларнинг номларини тегишли мутахассислар иштирокида синчиклаб кўздан кечиришлари, энг муҳими, абадий қоладиган чинакам илмий, миллий ва замонавий номларни топишлари зарур. Бунинг учун китоб-адабиётларни кўздан кечириш, гўзал номлар қидириш шарт эмас. Балки буюк китоб бўлмиш шу ернинг «тили»га қулоқ тутиш, кичик бир қудуқ, ариқ, жарлик, тепалик, сайҳонликнинг номини, шу ердаги аҳолининг касби, уруғ-қабиласи, умуман этнографияси, фақат шу ерда ўсадиган ноёб ўсимликлар номларини асос қилиб олиш керак бўлади.

Суюн ҚОРАЕВ, ЎзРФА Тилшунослик институти катта илмий ходими, фахрий профессор.

НАЖОТ МАЙДОНИ

Раҳбарлик мактаби... бўладими? Ҳа, бу борада ҳам ўзига хос мактаб яратиш мумкин экан.

Жасорат ва Адолатни ўз ҳаёти ва фаолияти учун бош шиор қилиб олган, шу туфайли ҳам эл-юрт орасида катта обрў-эътиборга мушарраф бўла оладиган новатор раҳбарларнинг (раҳбарликнинг) ботиний ва зоҳирий қиёфаси ҳақида сўзламоқчиман. Келинг, «новатор» сўзининг ҳам асл маъносини яна бир карра эслаб қўяйлик: «новатор» — лотинча сўз бўлиб, маълум бир соҳада янги, тараққийпарвар ақидаларни, услубларни шакллантирувчи демакдир. Келинг, ҳар хил ўринсиз гап-сўзларни четлаб ўтиш учун, бу новатор раҳбарнинг исми шарифларини ҳам таъкидламай қўя қолайлик. Зотан, бу шарт ҳам эмас. Зеро, бу мактаб ўзимизда энди шакллана бошлади.

Бош мақсад: самимий эътироф ила йўғрилган дил сўзларимиз сабаб бўлса-ю, дангал, чўрткесар, билимли, тадбиркор, ҳалол раҳбарларимиз сафи кенгайиб бораверса! Шу мақсад ила шундай бир янги раҳбар,, янги замон новаторининг ижтимоий келиб чиқиши ва фаолиятига назар соламиз: у қишлоқ шароитида, замонасининг илғор тушунчали, онгли одамлари орасида ўсди. Шунинг учун ҳам жиддий ҳаётга тенгдошларидан эртароқ аралашди, турмушда ўз фалсафасига эга бўла бошлади. Бундан қарийб 20 йиллар муқаддам пойтахтда олий таҳсилни эгаллагач, меҳнат фаолиятини туманда энг оддий юмушдан бошлади. Меҳнатсеварлиги, талабчанлиги, янгиликка интилувчанлиги боис қисқа фурсатда қатор масъулиятли лавозимларда ишлади, одамларнинг ишончи ва далдаси туфайли энг нуфузли вазифаларгача кўтарилди.

У (новатор раҳбар) бетиним ўқийди, ўрганади, изланади. Қайси соҳада ишламасин, нима қилсак ишлар бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ бўлиши мумкин деб ўйлайди. Баъзилардаги «ишқилиб, бугунги куним ўтса бўлди» қабилидаги кайфиятни ва шундай кайфиятдаги одамларни жуда ёмон кўради.

Сўнгги олти-етти йил ичида, касбим тақозоси билан, уни турли ҳолатларда, турли даврларда кўп кузатганман: ишхонасида, сафарда, мажлисларда, оила даврасида, зиёфатда, шифохонада ва ҳоказо. Доимо сўнгги хулосам ва таассуротим шундай бўлган: ИШЧАНЛИК одамнинг қон-қонига сингиб кетгандагина раҳбар — новатор раҳбар бўлиб шаклланади!

Шу ўринда ибратли бир воқеа. Буни муҳтарам бир оқсоқолимиз суҳбат чоғида, ўзи ишлаган йиллар, шу даврлардаги раҳбарлар ҳақида гапираётиб, айтиб берган эди: «Бир районнинг раҳбари бор эди (исми шарифини келтиришни жоиз топмадим — М. А.). Доим планларини ошириб бажарар эди. Лекин ҳар гал уни кўпроқ танқид қилар эдик. Бир куни у кўрсаткичларни рўкач қилиб, мендан ўпкалади. Шунда мен дедим: «Сиз ўн йил давомида пахта режангизни ошириб бажаринг, лекин ўн биринчи йили тўлдирмай қолсангиз, ҳаммаси бир пул бўлади. Мабодо районингизда бирор мактаб, касалхона, турар жой, ҳеч бўлмаганда бирор кўприк қурдиринг, қудуқ қаздиринг, ана шунда номингиз одамлар қалбида қолади, тарихда қоласиз. Халқ эслаб юради».

Ўзига хос ташаббускорлиги, тиниб-тинчимаслиги билан ном қозонаётган новатор раҳбар ҳудди шу гапларнинг мағзини чақиб олган, моҳиятини жуда яхши билади. Ўзи ишлаган жойларда қурдирган бинолар — бунинг исботидир.

Биринчи кўришгандаёқ ўзининг латиф муомаласи, маданияти билан илиқ таассуротлар қолдирувчи бундай раҳбар ҳақида бир хўжалик раҳбари шундай дейди:

— Бурунги бошлиқлар билан ишлаш осон эди. Бунинг кўзига қараб ёлғон ҳам гапира олмайсан, баҳона ҳам тополмайсан.

Яна бир воқеа.

Котиба қиз навбат кутиб ўтирганларга қараб узр сўрайди:

— Кечирасизлар, бошлиқ шошилинч равишда марказга жўнамоқчи. Шунинг учун сизлардан узр сўрайди. Зарур ишларингиз бўлса, эртага келарсиз.

Шунда ҳасса таянган бир кампир ўрнидан турди:

— Қизим, менинг энг зарур ишим шуки, шу боламга раҳмат айтгани келгандим. Ўзим қаҳрамон онаман, меҳнат фаҳрийсиман. Йиллар бўйи чўзилиб келган мушкулимни куни кеча шу йигит бир оғиз гапи билан битказди. Илойим, умри узоқ бўлсин. Ёмон кўздан сақласин! Шуларни айтиб, қувонганимдан раҳмат айтгани келгандим.

Кампир шундай дея қўлларини фотиҳага ёйди...

Тошкентда катта бир анжуманда новатор раҳбарнинг нутқини эшитиб, менинг ёнимда ўтирган вазир муовини беихтиёр пичирлади: «Балли, раҳбар дегани шундай ўткир бўлса-да!»

Новатор раҳбар олим билан олимдай, шоир билан шоирдай, деҳқон билан деҳқондай гаплаша олади. Бу киши адабиётдаги, санъатдаги, илм-фандаги, қўйингки, барча соҳадаги янгиликлардан хабардор. У ёшларнинг ютуғидан қувонади, хатосидан куйинади. Ёшларни яхши кўради, улар билан худди тенгдошдай гаплаша олади, камчиликларини эринмай тушунтиради. Уларни халққа ҳалол хизмат этишга даъват қилади.

Демак раҳбарлик бобида ҳам мактаб яратиш мумкин! Афсуски, раҳбарликни бўйинбоғ тақиб олиб, хизмат машинасининг ўриндиғида керилиб ўтириш дебгина тушунадиган, ўн-ўн беш кишига бошлиқ бўлдим, уларга ўзим истаганчалик хўжайинчилик қиламан деб ўйлайдиган амалдорлар ҳам йўқ эмас. Шундайларга қарата айтгим келади: эй биродар, мансаб бошқа, мартаба бошқа! Мансабга қандайдир йўллар билан эришиш мумкиндир, лекин мартабага осонлик билан, ҳаром-ҳариш билан, енгил-елпи йўл билан эриша олмайсан. Мартабани халқ беради. Мартабанг зиёд бўлса, мансаб ўзи сени излаб топади!

Шу ўринда юртбошимизнинг бир анжуманда куйиб-пишиб, ҳаяжонланиб айтган гапи эсингиздадир: «Элликдан ошганлар, шошилинг!» Ҳа, кунлар, ҳафталар, ойлар кетидан йиллар ўтаяпти, ўзингиздан яхши от, яхши из, яхши хотира қолдиришга шошилинг дегани эмасми бу? Қолаверса, Паҳлавон Маҳмуднинг мисраларини ҳам эслаб қўяйлик...

Ерни бировларки бисот деб турғай,
Ўлча, улаш, ё ол, ё сот деб турғай.
Доно билади: қабрдир у еб тўймас,
Кирмаса тез-тез одам, «Дод!» деб турғай.

Сўнгги тилагим: мен эътироф этган мактабнинг шогирдлари кўп бўлсин. Уларнинг олгани олқиш, мартабалари зиёд бўлсин!

Мансур АҲМЕДОВ.

Янгиланиш қирралари



Йигираверинг урчуғингиз, моможон! Муҳаммад АМИН олган сурат.

«САРМИШ» ЭТИГИНИ КИЙМАБСИЗ...

Иқтисодиёт олами

Навбаҳор туманидаги «Сармиш» қоракўлчилик хўжалигида тери ошлаш ва тикиш цехи ишга туширилди.

Қисқа вақтда бу ерда 300 тадан кўпроқ қўй териси, 200 та қоракўл қайта ишланиб, чўпонлар пўстини, нимча, телпак тикилди. Цех кенгайтирилмоқда. Мол терисини ҳам ишлаш йўлга қўйилди. Болалар учун этик, ботинка, ёзги туфлилар ишлаб чиқарилмоқда. Бир ойда 25 та мол терисидан 150 га яқин пойабзал тайёрланди. Бу ишларда наманганлик тажрибали уста Акрам Раҳматуллаев катта ёрдам бермоқда. У шартнома асосида ишлаб, чармгарлик сирларини ўргатмоқда.

«Биз бундан буён аёллар учун бежирим туфли ва этиклар тикишни ният қиляпмиз, — дейди цех бошлиғи Асад Ғуломов. — «Сармиш» этиклари хотин-қизларимизга маъқул келиб қолса ажаб эмас.

Шароф МУЗАФФАРОВ.

УРГУТ МАРМАРИ

Шунақа, Ургутда ҳам мармар кесмалар тайёрлана бошланди. «Ибот» хусусий корхонаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкидан молиявий қарз олиб, Италиянинг «Марденти» фирмасидан мармарни қайта ишловчи замонавий ускуналар келтириб ўрнатди. Фирма ишчилари ҳар ойда қурувчиларга 8 минг квадрат метр бежирим, сифати жиҳатидан дунё андозаларидан қолишмайдиган мармар кесмалар тайёрлашмоқда.

Иқтисодиёт олами

Фармон ТОШЕВ.

БОЗОРИ ЧАҚҚОН ФИРМА

Гурлан туманидаги Э. Раҳимов раҳбарлик қилаётган «Наққош» фирмаси жамоаси мижозлар илтимосини муддатида сифатли қилиб бажараётганликлари сабабли унга турли ташкилотлардан, аҳолидан янада кўпроқ буюртмалар тушмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида жамоа юз минг сўмга яқин соф фойда олишга эришди. Корхонада тайёрланган буюмлар ўзининг миллийлиги, Хоразм анъаналарининг шарқона услубда уйғунлашуви билан киши эътиборини тортади. Шу боис фирма маҳсулотларининг бозори чаққон. Келгусида корхонани замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳам режалаштирилган.

Муҳаммад ҚУРБОНОВ.

Хушхабарлар • Хушхабарлар • Хушхабарлар

ТАНДИР ТЎЛА ЁПИЛАР НОН

НАМАНГАН. Вилоят ғаллакорлари 80 минг гектар майдондаги ҳосилни йиғиштириб олдилар. Режани уддалаган наманганликлар давлатга 169 минг тонна ғалла сотишди. Уйчи, Учқўрғон, Норин, Наманган туманларида ҳосилдорлик гектарига 53 центнерга етди. Учқўрғон туманидаги «Ўзбекистон», Уйчи туманидаги А. Мўминов номли, Чортоқ туманидаги «Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги», Наманган туманидаги «Ғайрат» хўжаликларида ҳосилдорлик 57 центнерни ташкил этди. Вилоятда 23 минг тонна юқори навли сара ғуруғ тайёрлаш учун ҳаракат қилинмоқда.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

ҚИШЛОҚДА ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАСИ

ҚАШҚАДАРЁ. Касби тумани чорвадорлари 40 километр йўл босиб, сут ташишдан қутилдилар. Муғлон қишлоғида сутни қайта ишлаш корхонаси фойдаланишга топширилди. Қурилиши тўхтаб қолган бу корхонанинг ишга туширилишида «Қаршисут» ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти кўмаклашди. Бу ерда чорвадорлар мўлжалидаги 8600 тонна сутни қайта ишлаш имкони бор. Сут ташиш харажатлари қисқариб, маҳсулот сифати яхшиланади.

Юнус УЗОҚОВ.

ТУРКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

ТОШКЕНТ. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги билан республика таълим маркази «Туркистон — умумий уйимиз» халқаро анжуманини ташкил этди. Туронзамин халқлари ўртасидаги азалий дўстлик, қадриятларга бағишланган бу йиғилишда тарих фанлари доктори Исломжон Турсунов, тожик миллий маркази раиси Тўхтамурод Набиев, қирғиз ёзувчиси Турсунбой Адашбоев, қозоқ ёзувчиси Аҳан Тошметов, тарих фанлари доктори Ҳайдарбек Бобобеков ва ёзувчи Одил Ёқубов ҳамда тарих фанлари номзоди Комилжон Холиевлар ўз мулоҳазаларини ўртага ташладилар. Йиғилиш бадиий қисм билан якунланди.

Анвархон АҲМАДҚОРИ ўғли.

ПАТТА ПУЛИ ОЛИНМАЙДИ

НАВОИЙ. Навбаҳор туманидаги «Бешработ», «Қалқон», «Янгиқўрғон» бозорлари ҳамиша гавжум. Яқинда эса «Жума бозори» ҳам иш бошлади. Зарафшон дарёси бўйида ташкил этилган бу савдо маскани бошқа бозорлардан бироз фарқ қилади. Хусусан, турли мол ва маҳсулотлар арзон. Кўпчиликка маъқул келган тарафи шундаки, бу ерда бозордан фойдаланганлик учун патта пули олинмайди. Бозор қошида эса мол бозори ҳам ташкил этилган.

Музаффар ШАРОПОВ.

КАРВОНСАРОЙ ОСОРИ АТИҚАЛАРИ

ЖИЗЗАХ. Буюк ипак йўлида X-XII асрларда бунёд этилган карвонсаройда геологлар ишлашмоқда. Тўртқўлтепа номини олган бу карвонсаройда Самарқанд археология институти, вилоят маданият ишлари бошқармаси ва Зомин тумани ҳокимлиги ҳомийлигида обидани ўрганишга киришилди. Бир гектар майдонни эгаллаган карвонсарой ўзига хос меъморий услубга эга бўлиб, 1222 йилда Чингизхон томонидан вайрон қилинган. Олимлар Қорахонийлар даврига оид мис ва кумуш тангалар, сопол кўза, зебизийнатлар топишмоқда. Улар Зомин тарих музейида рўйхатга олиниб, кўргазмага қўйилмоқда.

Гулнора ҚУРБОНОВА.

ҲАШАРОТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

ХОРАЗМ. Вилоят қишлоқ хўжалигида ўзига хос ҳолат юзага келди. Карадрина, кўсак қурти, капалак, шира каби кемирувчи, сўрувчи зараркунандалар кўпайиб, экинлар ва боғларга зиён етказмоқда. Ғўза, янги беда, мевасабзавот ва полиз экинлари зарарланмоқда. Вилоят ҳокимлиги шошилинч чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, жойларда ҳашаротларга қарши кураш бошлаб юборилди. Корхона ва ташкилотлар ишчи-хизматчилари ҳам деҳқонларга ёрдам кўрсатишмоқда. Диққат-эътибор зараркунандаларни бартараф этишга қаратилган.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз маркаларини жорий этишга тайёргарлик кўриш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 256-сонли қарорига мувофиқ 1996 йил 1 октябрдан бошлаб республикамизда ишлаб чиқариладиган ва унинг ҳудудига четдан келтириладиган тамаки маҳсулотлари ва пиводан ташқари барча спиртли ичимликларни мажбурий равишда акциз маркалари билан маркалаш жорий этилади. Юқорида белгиланган муддатдан бошлаб уларни акциз маркаларисиз сотиш тақиқланади.

Акциз маркалари Ўзбекистон ҳудудига тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларнинг ноқонуний келтирилишининг, ноқонуний тарзда ишлаб чиқарилиши ва сотилишининг олдини олиш, акциз солиғи тўловларининг бюджетга тўлиқ ундирилишини таъминлаш мақсадида жорий этилмоқда. Ҳозир қизғин тайёргарлик ишлари кетмоқда.

Шу муносабат билан маркаланиши лозим бўлган тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларни ишлаб чиқарувчи ҳамда шу маҳсулотларни четдан келтирувчи юридик ва жисмоний шахслардан зарур ташкилий ва тайёргарлик ишларини ўтказишни сўраймиз.

Акциз маркаси жорий этилиши билан боғлиқ барча масалалар бўйича ўзингиз рўйхатда турган солиқ инспекцияси ва божхона хизматига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати.

ИНСОН ҚАЛБИ БИЛАН ҲАЗИЛЛАШМАНГ

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

Қалбида Ватан меҳри бўлган, ҳар бир шахсда маънавий юксаклик, жисмоний бардамлик ҳиссиёти кучли бўлади. Улар ҳар қандай оғир шароитда ҳам ўзини тута билиш, жоҳиллик жазавасига тушганларни йўлдан қайтаришга куч топади. Минг афсуски, айрим шахслар ҳаяжонли ёхуд жазавага тушган дамларда ўзида сабот тополмайди. Қўпол, қўрс ва куракда турмайдиган сўзлари билан яхши бир одамнинг дилини ранжитади. Ҳатто оғир турдаги жиноятлар содир этишгача борилади.

Оила — жамият таянчи. Шу ўринда оилавий можаролар туфайли эр-хотин, ота-бола, ака-укалар ўртасида ёқалашишлар, ҳатто қотиллик юз бераётганлигини сир тутиб бўлмайди.

Биргина мисол. Касби туманида яшовчи Фарҳод Қурбонов 42 ёшда. Муқаддам икки марта судланган. Қамоқ жазосини ўтаб қайтгач отаси Чори бобо билан жанжаллашиб қолади. Ҳатто ўғил ўз отасининг уйдан чиқиб кетишини талаб қилади. Ота эса ҳовли ўзига тегишли эканлигини билдириб, ўғлини ҳақоратлайди. Бу можаро тобора газак олиб, ота-бола ўртасида жарлик пайдо қилади. Бир куни ўғил қарияни тепиб йиқитади. Таёқ билан отасининг боши, юз-кўзига раҳмсизларча уриб, унинг ўлимига сабабчи бўлади. У ўзининг жиноятини яшириш мақсадида воқеа жойидан қочиб кетади. Сўзсиз Фарҳод Қурбоновни милиция ходимлари қўлга олишди. У суд ҳукми билан олий жазога маҳкум этилди.

Яккабоғ туманида яшовчи Ўктам Нуриддинов гиёҳванд моддани истеъмол қилишга ружу қўйди. Оқибат у бўлар-бўлмасга жанжал чиқарадиган одат чиқарди. Гоҳида хотини Шоҳидани кайф зўридан ҳақоратлаб, хўрлаб, унга жисмоний озор етказди. Охири хотини ота-онасиникига кетиб қолди. Яраштиришлар кўнгилсизлик билан тугайверди. Хуллас, нашадан ақли озган Ўктам хотинини ота-онасиникидан алдаб-сулдаб олиб чиқишга эришади. Ва уни ўлдириб, мурдасини очиқ ҳолатда ташлаб кетади. Ўзи эса жиноятни яшириш мақсадида қўшни Туркманистон Республикасига қочиб кетади. Аммо изқуварлар уни тўрга туширишди. У ҳам олий жазо — ўлимга ҳукм қилинди. Икки ўлим юз берди. Бири гиёҳванд модда туфайли ақлдан озиш, иккинчиси эса ўшанинг касофати туфайли. Ўз фарзандининг юриш-туришидан воқиф бўлмаган ота-онани асло кечириб бўлмайди. Мутахассислар беҳудага 0,5 грамм гиёҳванд модда бир отни ўлдириши мумкинлигини таъкидламаган. Демакки, бу офатга қарши кураш нафақат милиция, балки балоғат ёшига етгану қариялар нинг, барча фаолларнинг иши бўлиб қолиши керак.

Рашк саёз ақл иллатидир, деган эди файласуф И. Бентам. Қорани кўрмай шубҳагумонга бориш ақл заифлигидир. У. Жўраев ёши олтмишни қоралаб, қўлини қонга ботирди. У жуфти ҳалолини рашк туфайли бўғиб ўлдирди. Баҳористон туманида яшовчи бу мўйсафид суд ҳукми билан 13 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Бозор иқтисодиётини айримлар ўз мезони билан ўлчамоқда. Мўмай пул топиш мақсадида қўлбола ароқлар тайёрлаб, кишиларга оғу улашмоқда. У эса чўнтаги пул кўраётганидан хурсанд. Ана шундай қўлбола ароқ истеъмол қилганлардан бири Қарши қурилиш банки хазиначиси ундан зарарланиб, касалхонага тушди.

Енгилтаклик кўчасига кириш, фоҳишабозлик билан шуғулланиш Шарқда азалдан қораланиб келинган. Аммо айрим ҳаёсиз аёлларнинг қилиғидан ер ёрилади. Айниқса, ёшларнинг бу тузоққа илинганини кечириб бўлмайди. Уларнинг ота-онаси, яқин қариндошлари, маҳалладошлари борку!

Ўтган йилда хорижда сафарда бўлган 7 нафар аёл тижорат баҳонасида фахшлик билан шуғулланиб, қўлга тушган. Улар ўз таналарини сотиш эвазига «доллар» ишламоқчи бўлганлар. Қани иффату шарм-ҳаё!

Хулоса қилиб айтганда, жиноятни ўзга сайёраликлар содир этишмайди. Уни сизу бизнинг орамизда юрган, бир ариқдан сув ичиб, бир маҳаллада яшаган, бироқ ҳаётда ўз ўрнини тополмаган субутсиз, ношуд кимсалар содир этиши мумкин. Жамиятимизга ёт бўлган ҳар қандай иллатга қарши курашда жамоатчилик кучига таянишни давр талаб этмоқда. Маҳалла ва қишлоқ оқсоқоллари, фаоллари кўмагидан фойдаланиш, фуқаролик йиғинлари, хўжалик, ташкилот ва корхона раҳбарлари ҳамкорлигини мустаҳкамлаш жуда зарур. Тунги патруллар ташкил бўлиб, унга софдил кишиларни жалб этиш фойдадан холи эмас. Қарс икки қўлдан чиқади. Ҳамкорлик, ҳамжиҳатликни кучайтириш носоғлом оилаларда муҳитни барқарорлаштириш, жиноятга мойил шахсларни ўз вақтида аниқлаб, тарбиявий таъсирни ўтказиш, жойларда мавзе вакилларига имкони борича кўмаклашиш, уларнинг фаоллигини ошириш ҳар қандай содир этилиши мумкин бўлган жиноятнинг пайини қирқишда муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз таъкидлаганидек, халқимизнинг бу борада қўли устун, имконияти кенг.

Комилжон ҚУРБОНОВ,
Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи.

UZBEKISTON OVOZI TIMES

№ 9 ● August 3–9, 1996 ● Saturday



HISTORICAL DATE

It was on August 31, 1991 that President Islam Karimov declared Uzbekistan`s Independence and designated September 1 as the Independence Day of Uzbekistan.

UZBEKISTAN: THE BEGINNING OF THE GROWTH IN ECONOMY

The main summary of the economy for the period of the first half of the year is an essention rise in economy. It can be surely said that Uzbekistan went out of the economical crisis.

Islam Karimov, President of Uzbekistan delivered a speech at the sitting of the Council of Ministers with the detailed analyses of the situation.

The economical picture looks like the following: the government has reached macroeconomic stablization. The level of the inflation made up not more than 4 per cent averagely per a month: this is twice less than for the period of the last year. Monthly growth of the tempo of currency is less than similar period of the last year. The share of cash money made up 15,8 per cent for the first half of the year to the similar period of 1995. Only 58 enterprises have incurred losses for 6 months (before the number of than was 630.)

The deficit of the budjet has not encreased 21 per cent and comparing with the last year it has made 3,5 per cent.

The rote to the dollar for the period of 6 month remained stable. The volume of trade at the currency stock made up (as Central bank, market 1483,2 million dollars- this is more than the converted money for the whole last year period.)

The money gained from the stock sales is 1,7 billion soums: that is 15,6 times more than for the last year period.

In the non-governmental sector 70 per cent of the able-bodied population is busy: more than half of the industrial production and 35 per cent of agriculture lies on it. That part of ready made industrial products in general has increased: it comprises 65,6 per cent.

The consumer goods growth has increased per 6,3 per cent comparing with the last year: 4,3 per cent capital head.

The most economical event in the life of the country became the appearance of the stock centre in Tashkent and autoplant "Uzdaewoo" in Asaka Andijan region. But the main index of the first half of the year is the essential growth of gross have revence for the first time in the period of reform years: it is 101,4 per cent.The industrial growth of production has increased in all regions of the country as a whole its volume made up 105 per cent in comparison with the last year period.

Among the most important tasks which the government has to solve is the increase of effectiveness of market infrastructure, development of consumer goods stimulating of the private sector in the production of food products, increase of export and decrease of - constitnents, the expansion of the volume of economical freedom.

"UZDAEWOOAUTO" FOUNDED BY KOREA AND UZBEKISTAN JOINT ENTERPRISES IS HEATELY DISCUSSED BY WORLD MASS MEDIA.

"Reutor" agency informs that "Uzdaewoo" has cost 658 million dollars of the U.S.A. as "New York Times" stresses this plant, created in Uzbekistan is the only huge one Central Asia.

There are two automobile plants nowadays which were built in the CIS - reportes one of the leading Russian newspapers " Financial News". These are Yelabuga (Tatarstan) and Asaka (Uzbekistan) automobile plants. At present three models of cars are produced at "Uzdaewoo" joint enterprises. They are "Damas", "Tiko", "Nexia".

Nowadays "Tiko" is considered to be much promising because of the small capacity. Undoubtedly, "Tiko" is main buyers are Russia, Ukraine, Kazakhstan, Latvia, Lithuania and Estonia, the newspaper states.

"All these cars are a little bit large in comparison with Russia's Oka in sight and size", as "Trud" newspaper states. The constraction of the plant was really too rapid. The huge pressing work-shop repairing and painting shops and the last assembly shop which were built for three years astonish everyone. The equipment of the plant is similar and looks like the plant "Changvon" which is situated in Southern Korea", as the Russian newspaper "Segodnya". 60 per cent of the work is carried out by robots.

According to the contract 51 per cent of stock shares "Daewoo" possesses and 49 per cent "Uzautosanoat". By decree of the President of the republic Uzbekistan Islam Karimov "Uzdaewoo" is set free from all kinds of taxes, for the first five years, "Segodnya" states.

FIFTH SESSION OF PARLIAMENT SCHEDULED FOR AUGUST 29.

The Council of the Oliy Majlis of Uzbekistan has called the Sixth Session of the Oliy Majlis for August 29, 1996. The following projects will be under consideration during the session:

1. *Civil Code (Part 2);*
2. *Law on Notary Publics;*
3. *Law on the Bar;*
4. *Law on Political Parties;*
5. *Consular Charter;*
6. *Law on Foreign Borrowing;*
7. *Law on Protection of Citizens's Health;*
8. *Law on Seed-Farming;*
9. *Law on Copyright;*
10. *Law on Publishing Activities.*

BERLIN HOSTS EXHIBITION

Berlin played host to an exhibition entitled "The Legacy of the Great Silk Road- Uzbekistan" organized by the Embassy of Uzbekistan in Germany, the Foundation for Prussian Culture and the State Ethnographic Museum in Berlin.

UZBEK WAY OF DEVELOPMENT

Several C.I.S. Presidents give their views of the Uzbek way of development. Ukrainian President Leonid Kuchma says: "I have tried to learn from President Karimov his methods of reducing inflation, preventing people from falling into poverty ant fighting against crime. He has been able to retain executive power without destroying the old system." President Askar Akaev of Kyrgyzstan considers Islam Karimov a teacher. The President of Byelorus, Alexander Lukashenko, says that "the order and discipline in Uzbekistan are an example for us to follow in making reforms. Uzbekistan is lucky to have Mr. Karimov asits leader"

AIR SPACE SCHOOL IN PARKENT

International summer air space school Number 8 has opened in the Parkent region of Tashkent province. Twenty student out of 1,300 nominees were able to pass the admission tests. Sixty more students from Uzbekistan, Kazakstan, Russia, Malaysia, Pakistan, Kyrgyzstan and Turkey will be allowed to audit lectures in the school. Some lectures will be presented by cosmonauts V. Janibekov, V. Lyakhov and Y. Malanchenko.

SENIOR OFFICIALS IN KARAKALPAKSTAN LEARN ENGLISH

Senior officials from several organizations and institutions in Karakalpakistan, who deal with the ecological situation in the Aral Sea region, have begun attending English language courses in Nukus, as part of a UN project here. Peace Corps volunteers help the "students" Learn English.

ORGANIZATIONAL COMMITTEE HOLDS MEETING

The Organizational Committee for the Preparation of the Fifth Anniversary of Independence of Uzbekistan held a scheduled meeting Friday at the Cabinet of Ministers under the chairmanship of the Committee Chairman, the First Deputy Prime Minister, Ismoil Jurabekov. The main festivities will take plase at Independence Square in Tashkent Septemder 1, where the assemebling of a huge stage is now underway. It is a fine tradition that every year many construction projects are put unto operation by September 1.

This year the construction of over thirty projects will be completed by Independence Day.

MEETING AT MINISTRY OF JUSTICE

The Ministry of Justice held an enlarged meeting to review the first half- yearly results. As a result of inspections by law bodies in Khorezm and Tashkent, several officials and judges were dismissed from their positions. The meeting also underlined the importance of the notary system. The Ministry earlier held certification examinations of notaries, which resulted in the dismissal of thirty-nine and demotion of eight.



FARGHONA REGION. QUQON. ***The industry peasant market.*** *Photo by Muhammad AMIN.*

PRESSURE BUILDING FOR AGREEMENT ON NUCLEAR TEST BAN

***GENEVA** -Negotiators are under increasing pressure to overcome objections from India and China about a proposed worldwide ban on nuclear weapons testing. India said Tuesday it will block any treaty that does not meet all its demands, most importantly that the five declared nuclear powers commit to long-term disarmament. The 61-nation Conference on Disarmament reconvenes Wednesday.*

REMAINS OF U.S. SOLDIER KILLED IN KOREAN WAR RETURNED

PANMUNJOM. South Korea - Skeletal remains believed to be those of an American soldier killed in the Korean War were handed across the border by North Korean troops Monday. They were the first remains excavated by a joint American-North Korean team in the reclusive communist nation, which had been off limits to U.S. searchers since the war ended in 1953. About 8,100 U.S. servicemen remain unaccounted for from the war in which more than 50,000 Americans died. So far, 209 sets of remains have been returned to the United States.

JAPAN'S PRIME MINISTER VISITS SHRINE FOR NATION'S WAR DEAD

TOKYO-Prime Minister Ryutaro Hashimoto visited a shrine for Japanese killed in World War II, the first Japanese leader to do so in more than a decade. The Yasukuni Shrine is controversial because World War II war criminals are among those enshrined there, and critics say paying homage there amounts to a defense of Japan's wartime aggression. "It's time to stop letting that sort of thing complicate our international relations," Hashimoto told Kyodo News at the shrine.

ISRAEL PLANS NEW HIGHWAYS TO WEST BANK SETTLEMENTS

***JERUSALEM** -Israel's annoucement of an ambitious road construction plan linking Jewish West Bank settlements to central Israel was met with anger by Palestinians. "Settlements and building roads in the heart of the Palestinian entity is tantamount to a declaration of war on Palestinians," said Justice Minister Freih Abu Medein Tuesday. Israeli Prime Minister Benjamin Netanyahu has said he supports expansion of Jewish settlements in the West Bank and Gaza Strip.*

NEARLY 160 OPPOSITION MEMBERS MISSING IN INDONESIA

***JAKARTA, Indonesia** -An Indonesian Democratic Party official said Tuesday nearly 160 democracy supporters are missing following weekend anti-government rioting. At least two people died in the violence, which began after police raided the democratic party's headquarters. Police said Tuesday they were holding 215 people in custody, it was not clear whether that figure included any of the missing oppostion supporters.*

EXPLOSIONS KILL 2 DURING MUSLIM HOLIDAY IN KASHMIR

SRINAGAR, India- Two people were killed and about 125 injured Monday when a grenade exploded at a Muslim shrine north of the state capital of Srinigar during celebrations of the Prophet Mohammed's birthday. Another 25 people were injured by a bomb at a marketplace in Srinigar. Jammu-Kashmir is the only Muslim-dominated state in India, and dozens of groups are fighting for independence from India.

POSSIBLE SUSPECT IN OLYMPIC BOMBING YEARNED TO BE "SUPER COP"

Atlanta (CNN)-As he made the rounds of media interviews after the Centennial Olympic Park bombing last weekend, Richard Jewell projected the modesty of a hometown hero who just wanted to do the right thing. In an interview with CNN, he said he hoped heroism would catapult him into the law entorcement "big time" It was a dream he brought with him from the winding mountain roads he had traveled as a small-town law entorcement officer.

Federal agents Wednesday were scouring his apartment and the cabin where he once lived in the mountains of northeast Georgia for clues that might tie him to the bombing. As they searched, another side of Jewell emerged a loner who loved being a cop but was considered overzealous.



SMITH GIVES UP NATO COMMAND

U.S. Admiral Leighton Smith gave up command of the NATO-ied peace force in Bosnia Wednesday. Smith handed the reins of the 55.000-strong force of all NATO operations in southern Europe to U.S. Admiral Joseph Lopez at a change of command ceremony at the alliance's southern headquarters in Naples. Smith and other Western leaders have come under attack for not allowing peacekeepers to hunt down Boshian Serb leader Radovan Karadzic and other suspects indicated by the U.N. international war crimes tribunal in the Hague.

INFORMANT: COLOMBIAN LEADER ACCEPTED DRUG MONEY

***WASHINGTON** - An informant identified only as "Maria" told a U.S.Senate committee Colomdian President Ernesto Samper promised to use his influence to help drug traffickers in exchange for drug money. The informant, who said she worked for the Cali drug cartel, told the committee Samper had promised to cancel extradition proceedings for traffickers wanted in the United States.*

INDONESIAN OFFICIALS MAY QUESTION MEGAWATI ABOUT RIOTS.

JAKARTA, INDONESIA- Pro- democracy leader Megawati Sukarnoputri may face questioning from security forces as Indonesia's government seeks to explain an outbreak of the country's worst civil unrest in decades. Police raided Megawati's party headquarters over the weekend, and riots broke out. Two people died and up to 93 were injured when protesters rampaged through the streets of the capital, Jakarta.

BUDDHIST REBELS EXTEND TRUCE BY TWO MONTHS

KHAGRACHARI, Bangladesh- Buddhist rebels fighting the government for control of Bangladesh's southeastern hills extended a truce Monday by two months to Sept. 30, despite recent clashes. The guerrillas, mainly from the Chakma tribe, have been fighting since 1976 for an independent homeland in this Islamic nation. More than 4,000 people have been killed.The two sides agreed to a truce in 1992, but several rounds of peace talks have failed.

METROPOLITAN SPYRIDON NAMED AMERICAN ARCHBISHOP

***ISTANBUL, Turkey** - Metropolitan Spyridon Yorgi of Italy will be the new Greek Orthodox archbishop of North and South America, the ecumenical patriarchate announced Tuesday. American-born Metropolitan Spyridon will succeed Archbishop Geron Iakovos, who retired Monday on his 85 th birthday after leading the North American church since 1959. The Ecumenical Patriarchate dates from the Byzantine Empire when Constantinople-modern day Istanbul-was the center of Orthodoxy.*

STORAGE TANK AT RUSSIAN OIL REFINERY BURNING

***MOSCOW** - A storage tank at a Russian oil refinery has been burning for five days, but firefighters contained it and are letting it burn out, an official said Tuesday. "Such blazes happen all the time," said Emergency Situations Ministry spokesman Karl Smolikov. Once there is no danger of spreading, he said, such fires are allowed to burn out on their own.*

OMAN COMPLETES RETURN OF DISPUTED TERRITORIES TO YEMEN

SAN'A,Yemen-Oman finished returning to Yemen on Monday the last of the disputed territories it held on the Omani- Yemeni border, according to a 1992 agreement. Oman withdrew its troops and removed fortifications from the city of Shahin and the Sarfeet Heights in the Maharah province. Oman had seized the 2,000- square-mile area during the Dhofar rebellion in the early 1970s. Only border guards remain to oversee security and fight smuggling.

SENATE APPROVES WELFARE OVERHAUL

WASHINGTON - The Senate voted 78-21 Thursday on a Republican bill to end six decades of guaranteed cash assistance for the poor. The bill now heads to President Clinton, who said Wednesday he will sign it after having vetoed two previons welfate bills. The vote followed house of debate in which outraged Senate opponents - knowing that their effort was futilewaged a battle targeting supporters of a bill they say will plunge poor children into deeper despair.

ARCHAEOLOGISTS CLOSING IN ON 3,000-YEAR-OLD ARCHIVES

Archaeologists are hot on the trail of unearthing a major discovery in Israel. Tablets already recovered from a site in Hazor National Park, Israel, indicate the existence of two royal archives. The discovery of such archives would be unprecedented in the Holy Land and would provide a wealth of information about life in the Canaanite period, which lasted from the 18th to 13th century B.C.

Вниманию руководителей автопредприятий!
Ташкентский филиал АО УзАСК "Йуловчи"предлагает к реализации к автомобилям:

Наименование продукции	Ед-ца измерения	Кол-во изделий	Цена за единицу
ГАЗ-24			
Фильтр масленный	шт	904	100
Прокладка головки блока	шт	104	460
Подшипники шкворней на 1 авт.	к-т	25	1760
Термостат ТС-107	шт	7	892
Шаровые пальцы в сборе (на 1 автомобиль	к-т	3	2898
Накладки тормозные (длинные) ндс А/С	шт	229	60
Накладки сцепления А/С	шт	986	64
МОСКВИЧ			
Пор.кольца р-82.5 (Москвич)	к-т	43	360
Пор.кольца р-82.0 (Москвич)	к-т	98	360
Втулки поперечной тяги	к-т	11	105
Прокладка коллектора	шт	25	126
ВАЗ			
Диафрагма бензонасоса (ВАЗ)	шт	85	21
Облицовка передн. СМ к зерк.	шт	40	18
Сальник коленвала большой	шт	48	126
Подшипник выжимной 520806	шт	31	368
Подшипник передней ступици 6-256907	шт	6	893
УАЗ			
Головка блока (УАЗ) (ГАЗ-21)	шт	2	7200
Труба глушителя - 452	шт	2	1040
Подшипник КПП: а) 70-305,50208,3207	к-т	3	3103
Крыло (левое) (правое)	шт	4	2587
Облицовка радиатора	шт	1	4033
ГАЗ-53			
Вал вторичный	шт	5	800
Вкладыши шат.Р-1.5	к-т	6	770
Вкладыши корен.Р-1.0	к-т	5	770
Клапан впускной	шт	46	206
Клапан выпускной	шт	56	206
Головка блока ГАЗ-52	шт	4	9600
Кардан в сборе	шт	16	9000
Распределитель зажигания Р-137	шт	2	3696
Гильза,порш,коль.(Самарканд на 1 двиг.)	к-т	3	14400
Электропроводка	к-т	3	5610
Лонжерон	шт	4	1050
ЗИЛ-130			
Прокладка гол.блока	шт	134	495
Вкладыши в круг:Р-1,00	к-т	14	1160
Стандарт	к-т	42	1160
Р-0.25	к-т	17	1160
Р-0.50	к-т	8	1160
Р-0.75	к-т	19	1160
Крестовина в сборе	к-т	157	500
Кольца поршневые Р-100.5	к-т	253	720
Кольца поршневые Р-101.0	к-т	365	720
Шкворня	шт	90	840
Втулки шкворней	шт	1014	30
Генератор Г-287,Г-250,Г-17,Г-6411 12-14 в	шт	4	3960
Поршень, палец, кольца	к-т	3	8000
Поршень, палец, кольца Урал	к-т	6	8000
Трос спидометра L-1.5 м	шт	222	590
Картер КПП	шт	10	4500
Карбюратор К 88А	шт	18	4158
Насос гидроусилителя	шт	7	4620
Фрикционные накладки ндс	шт	341	128
Электропроводка	к-т	2	5610
Накладки тормозные (задние)	шт	30	190
КАМАЗ			
Прокладки гол.блока с уплот.	к-т	40	2200
Кольца поршневые (Н.Челны)	к-т	21	9700
Элемент воздушного фильтра	шт	73	2885
Гильза, поршень (Самарканд) на 1 двиг.	к-т	11	24000
Насос ГУР	шт	1	6600
Клапан тормозной (тройной)	шт	32	1100
Клапан тормозной (двойной)	шт	32	950
Клапан тормозной (одинарный)	шт	11	850
Статор генератора	шт	10	3528
Вкладыши наконечн.рулевых тяг (верх)	шт	20	202
Вкладыши након.рулевых тяг (нижн)	шт	20	101
Кольцо уплотн. гол-ки цилиндра	шт	391	20
Кольцо маслянное	шт	167	26
Шланг тормозной (под кабину)	шт	19	288
Обод маховика двигателя	шт	5	2974
Кольцо фрикц.2-передачи КПП	шт	5	2478
Кольцо фрикц.4-передачи КПП	шт	5	2380
Кольцо фрикц.5-передачи КПП	шт	5	2280
ТЕНТ-54117	шт	1	60000
Плунжерные пары	шт	207	2320
Распылитель	шт	496	960
Крестовина в сборе	шт	29	960
Шквореня с втулками	шт	40	2080
Фильтр топливный	шт	784	100
Фильтр масленный	шт	335	240
Ремень 1320	шт	952	280
Фрикционные кольца (со стружкой) А/С	шт	1922	300
МАЗ			
Распылители ЯМЗ	шт	323	540
Плунжерные пары	шт	53	1260
Крестовина в сборе	к-т	25	1400
Генератор 24 Вольт 40 А	шт	0	6000
Супер МАЗ (Передние)	шт	96	300
Ремень 850 М 412	шт	25	280
Гильза-поршень,палец,уплотнители (1 д виг)	к-т	14	42000
КРАЗ			
Тормозные накладки (залние) ндс	шт	1380	180
ТНВД ЯМЗ-238	шт	1	38910
Гильза,поршень,палец,уплотнители (1двиг)	к-т	20	56000
ПРОЧЕЕ			
Пистолет заправочный	шт	29	1300
Шланг заправочный L-5м	шт	12	1200
Трос спидометра L-0.3	шт	30	460
Пудра алюминевая (в барабанах по 50 кг А/С	кг	250	540
АККУМУЛЯТОРЫ			
Аккумулятор 6ст-55 (Турция)	шт	3	3200
Аккумулятор 6ст-60 (Китай)	шт	10	4200
АВТОШИНЫ			
185х82R15 (РАФ) (Motodor) ндс	шт	10	8000
185х70хР13 (Жигули)	шт	29	3800
205х708R14 (ВОЛГА) Барнаул	шт	0	6500
260Х508R-1350030	шт	30	13500
АВТОЛАМПЫ			
А 12-21+5-2(двухконтактные) НДС	шт	327	18
ЛОБОВОЕ СТЕКЛО (ТРИПЛЕКС)(БОР) А/С			
Г-24 (ВОЛГА)	шт	101	3600

Оплата по перечеслению и векселями по договоренности.
Адрес: г. Ташкент, ул. Ойбека, 47.
Тел: (3712) 54-93-07. Факс: 54-76-31.

Ведущая в Европе немецкая импортно-экспортная фирма в области упаковочных материалов ищет партнера в СНГ для продажи следующих товаров:

пластиковые пакеты, мешочки, мешки, упаковочная фольга, клейкие ленты, резиновые кольца, бечевки, веревки, канаты.

WBV OELDE
Westdeutscher Bindegam-Vertrieb
Eselgrimm GmbH & Co.
P. O. BOX 3780, 59286 Oelde Germany
Telefon: 02522-790. Telex: 89454,
Fax: 02522-6989, 02522-79109.
Предложения высылать на немецком, английском или французском языках.

Юқори сифатли ва жаҳон андозаларига мос бўлган эмал-симларни ҳамда турли автомобиллар - *"ВАЗ", "ГАЗ", "ЗИЛ", "ЗАЗ", "Москвич"*ларнинг поршенларини ишлаб чиқарувчи, МДҲ ва Ўзбекистон бозорларида пешқадам ҳисобланмиш

"НОВАТОР" ФИРМАСИ ДИЛЕР ВА ХАРИДОРЛАРНИ ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙДИ.

Келишилган нархлар ва Ўзбекистон бозорларида маҳсулотларимизга бўлган

Мурожаат учун телефонлар:
(3712) 57-44-30, 57-78-55, 57-43-00.
Факс: (3712) 58-69-70.

UZIRMASH

Dear gentlemen, specialized amalgamation "Uzirmash" offers you to cooperate in the part of creation of joint ventures in the base of operating enterprises situated in Ferghana, Bukhara, Karshi, Gulistan, Karakalpakistan and in Termiz.

The plants are equiped with metal cutting machine tools, there organized foundry industry. The main direction of activity of plants are the capital repairing of construction-road technics, producing of spare parts, making of metal constructions and producing of consumer goods.

Except the main productions in our plants organized manifacturing concrete mixers, boilers, centrifugal icontial pumps, machine tools, milling cutter tools for cutting metals and marbles. In joint ventures founded in the base of plants opened currency accounts.

We receive your suggestion with gratitudes on organization of making and manifacturing of mini pumps, gas plates and consumer goods, mini mechanizations for agriculture and construction, making instruments and agricultural implements.

Our address: 6, Abai st. Tashkent 700011
tel: (3712) 44-04-60
41-84-28 41-89-10

Производственная фирма
"НОВАТОР" АО "УЗВТОРЦВЕТМЕТ"
реализует:

кирпич огнеупорный марки ША-5
тракторный поршень А-01
автомобили "Газель"
(ГАЗ-330210 грузовой вариант с тентом)
автомбильные поршни.

Производит эмаль-провод марки ПЭТВ-2 и по заказу клиента производит фрионостойкий эмаль-провод марки ПЭФ-155 для ремонта холодильних установок.

Телефон для справок: (3712) 57-43-00, 57-78-55, 57-44-30.
Факс: (3712) 58-69-70.

"ОСИЁ-ВОЛГА"

минтақаларарo маркази

пул ўтказиш йўли билан қуйидаги автомобилларни ва уларнинг эҳтиёт қисмларини



УАЗ-31514-032	*УАЗ-31512*
УАЗ-31514-012	*УАЗ-3909*
УАЗ-31514-031	*УАЗ-3962*
УАЗ-31512-027	*УАЗ-2206*

СОТАДИ.

Ҳақини рус рублида, қозоқ тенгесида ҳам тўлаш мумкин.

Тел/факс (3712) 41-52-41, 41-58-51, 36-00-08.



ПАПАСТРАТОС" ФИРМАСИ
"ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС"
СПОРТ -ТЕХНИКА КЛУБИ
1996 йилнинг 17-18 август кунлари
Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг
5 йиллигига бағишланган
" Ралли Президент"
автоспорти байрами

Мухтарам жаноблар!

- "Тошшаҳарйўловчитранс" Давлат уюшмаси ва юнон "Папастратос" компанияси барча ҳоҳиши бўлган кишиларни "Ралли Президент"ажойиб байрамига таклиф этади.
- Сиз Ўзбекистоннинг йирик фирмалари ва корхоналари директорлари ҳамда раҳбарлари иштирок этадиган ушбу автораллида ўз маҳоратингизни кўрсатишнинг нодир имкониятига эга бўласиз.
- Автоспорт байрами доирасида сузиш ва мерганлик бўйича мусобақалар ҳам ўтказилади. Мусобақалар Тошкент ва Чимённинг бағоят хушманзара жойларида бўлиб ўтади.
- Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан "Тошшаҳарйўловчитранс" спорт-техника клубига мурожаат этинг.Телефон: 34-62-11.

"ЭПСИЛОН-БЛОК"

масъулияти чекланган жамият
"Самсунг SQ-1000"
электрон ёзув машинкаларини
СОТАДИ.



"Самсунг SQ-1000"
ёзув машинкаси русча-лотинча шрифтли бўлиб,
ишлатишда жўн ва қулайдир.
Йўриқномаси рус тилида.

Маълумотлар учун телефонлар: 33-99-51, 50-32-35

"АЗИЯ-ОИЛ-ЭКОГЕОТ"
компанияси

пул ўтказиш йўли билан
Голландиянинг АИ-95,
Қозоғистоннинг А-80, А-91 **бензинини,**
дизель ёнилғисини (Қозоғистон)
СОТАДИ

Шунингдек, уларни сақлаш ва қуйиб бериш хизматларини ҳам кўрсатади. Кенг турдаги **автошиналар ва аккумуляторлар,** *Финляндиянинг* 15 W 40 *мотор мойи, Хитойнинг паркет линолеуми ҳам мавжуд.*



Манзил:
Тошкент, Пушкин кўчаси,59.("УзНИИПРОЦВЕТМЕТ")
I-қават, "Ҳамид Олимжон" метро бекати
Телефонлар: (3712)68-56-41, 68-16-41, 36-00-45.

ТАШКИЛОТ

ЯНГИ "ГАЗ-3307 " АВТОМАШИНАСИНИ ВА "ТАРЗ-3270" АВТОБУСИНИ СОТАДИ ЁКИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИГА АЛМАШТИРАДИ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
96-39-92, 96-79-88.

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!



Ўзбекистон Республикаси Халқ банки ва Халқаро Амир Темур жамғармасининг пул-ютуқли «ХАЗИНА» лотереясини сотиб олингиз!
Лотереянинг баҳоси 25-сўм.
Ушбу лотерея ўйинида:

5та	1000000	сўмлик
10та	700000	сўмлик
5та	200000	сўмлик
5та	100000	сўмлик
5та	50000	сўмлик
10та	20000	сўмлик
25та	10000	сўмлик
50та	5000	сўмлик

ВА ҲОКАЗО ЮТУҚЛАР БОР!
Лотереяни тиражи 1996 йил 29 октябрда Тошкент шаҳрида ўтказилади.
Тиражда 50 миллионлик ёки 493165 дона ютуқлар бор.

Лотереяни 25 сўмга сотиб олиб, Сиз катта нарса йўқотмайсиз, балки ютуқ эгаси, миллионер бўлиб энг бахтли ва бадавлат одам бўласиз.
Лотереядан тушган даромад нафақат Амир Темур, темурийлар тарихи ва маданиятини ўрганиш,уни кенг тарғиб этиш, ўша замонларда бунёд этилган обидаларни тиклаш ва таъмирлашга, балки ота-боболаримизнинг улкан меросини халқимизга етказиб беришдек хайрли ишларга ва Халқ банки ривожланиши учун сарф этилади.
Уни Халқ банкларининг барча бўлимларидан ва жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

СИЗГА ОМАД ЁР БЎЛСИН!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ ВА ХАЛҚАРО АМИР ТЕМУР ЖАМҒАРМАСИ

HOTEL SAYOKHAT
JOINT STOCK COMPANY

YOU ARE WELCOME TO THE HOTEL "SAYOKHAT"!

We offer you wonderful settlement in single one-room apartments and in double two-room "lux"apartments with all conveniences. There are satellite TV, telephones, conditioners in all the apartments.

There is a restaurant, a night bar, a buffet, a cafe of national dishes, a disko-club, sauna with a swimming pull, a business centre, exchange office.

We offer trips about the city of Tashkent and other cities of Uzbekistan with sightseeing for our guests.
We are waiting for you!



Our address:
115, Buyuk Ipak Yuli
Tashkent, 700077. Republic of Uzbekistan
Tel.: (3712) 675374. Int.tel.: (3712) 289-14-65
Fax: (3712) 68-67-72
Telex: 116685 SAYOH

В помещении ГАБТа им. А.Навои
ВПЕРВЫЕ ОТКРЫТ
фестивальный буфет
"НОВЫЙ МИР"

совместного узбекско-корейского предприятия "Хэдин Арк"
- в меню 120 наименований блюд интернациональный кухни;
- современный комфортабельный интерьер;
- высокопрофессиональный бармен, прошедший стажировку в Японии и Америке, умеющий приготовить 80 разновидностей коктейлей;
- обслуживание высокого класса.

ЛАНЧ с 12.00 до 15.00
УЖИН с 18.00 до 22.00

Детям (с родителями) до 6 лет питание бесплатное, до 10 лет по льготной цене.
Возможны заявки, на коллективные посещения, на проведение презентаций, торжеств, на выездные фуршеты.

ФОРМА ОПЛАТЫ ЛЮБАЯ

Тел: 33-15-99.
Телефакс: 33-33-22.



NEW WORLD RESTAURANT
HAEJIN ARK

"NEW WORLD"
the best Restaurant at the 2nd floor,
Navoy theatre in Tashkent
Newly opened .
Cordially invites you at a fruitful gounlet`s tastes

A Wonderful Buffet Festival
Special cuisines alternately from the more than 120's with **aluxurious palace-like atmospere,** courteouns service, cocktail from 80's recipe at the cozy Bar.
LUNCH 12.00-15.00.
DINNER 18.00-22.00

Special discount under 10 ages but free under 6 for the accompanied children.
The best catering services is always prepared upon your request for the opening ceremonies, celebration parties and all kinds of group reception.

Reservation
tel: 33-15-99
telefax: 33-33-22

AN INSERT TO OUR "UZBEKISTON OVOZI"
(The Voice of Uzbekistan) NEWSPAPERS IS ALWAYS AT YOUR SERVICE

One of the leading in Uzbekistan, "Uzbekiston ovozi", has an increasing number of readers across the country. Foreign companies and organizations are showing great interest in advertising in our newspaper. That`s the reason why the editorial office is working hard to prepare ads in Uzbek, Russian, English and other foreign languages.
You are always welcome should you have any questions concerning ad placement.
Our address:
Matbuotchilar str. 32, Suite 343-344, Tashkent
Phone: 33-38-55
Fax: 33-79-14



The "Uzbekiston ovozi–times" is ready to work with you!

Editor-in-chief
Azim SUYUN

Head of Editorial Board
Alisher RUZIEV,
Managing editor
Narzulla SHANIYAZOV,

Editorial Board:
Asliddin BOLIEV,
Alimkul SULTONOV,
Design and computer layout
Gulshan ASADOVA.

For placing of ADVERTISEMENT please call by tell:
33-38-55, 33-54-55
or send fax: 33-54-55.

Printed by the "Shark" publishing-printing concern.
41, Buyuk Turon st.

«ЖЭК»НИНГ НОМИ ЎЗГАРДИ, ИШИ-ЧИ?..

Кейинги йилларда давлат уйлари хусусийлашди-ю аҳоли кўпчилик қисмининг боши қотиб қолди. Негаки, авваллари уйингизда кран ё қувур озгина шикастланса ҳам ЖЭКка борсангиз, текинга тузатиб берарди. Энди-чи? «Марҳамат, уй энди хусусий, ўзингиз пулингизга тузаттириб олаверинг» дейишади. Бунинг устига коммунал хизмат ҳақи ошаётгани-чи? Хуллас, деворни бир тепсангиз, дув этиб муаммо ёғиляпти...

Шу «манзара»га аниқлик киритиш мақсадида Тошкент шаҳар ижроия маҳкамасининг ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасида бўлдик. Уй-жойлардан ва муҳандислик иншоотларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Воҳиджон КАРИМЖОНОВга аҳолини ва муштарийларни қизиқтираётган бир неча саволга тутдик.

Якқама-якка

— Уй-жойлар хусусийлаштирилгандан кейин коммунал хизмат ҳақи ошиб кетганлиги ҳақида эътирозлар бўлаяпти. Нима гап ўзи?

— Коммунал хизмат ва уй-жойлардан фойдаланиш нархларини ошириш масаласи Вазирлар Маҳкамасининг уй-жойларни хусусийлаштириш тўғрисидаги қарорига биноан фақат Тошкент шаҳар ҳокими қарори билан ҳал қилиниши мумкин.

Бу нархлар Вазирлар Маҳкамасининг хусусийлаштириш тўғрисидаги қарорига асосан ҳар йилда ўзгарадиган фоизларда, бир қисми уй-жой эгалари, қолган қисми давлат бюджетидан тўлдирилади. 1996 йили уй-жой эгалари унинг 60 фоизини тўламоқда, 40 фоизи давлат бюджетидан қопланмоқда. Маълумки, бюджет ҳисобидан қоплаш фоизи ҳар йили 10 фоизга камайиб боради.

Коммунал хизмат ҳақига хонадонларга етказиб берилган совуқ ва иссиқ сув, иссиқлик, газ, умумий майдонлар учун сарфланган электр энергияси ва хонадонлардан чиққан ахлатларни (қурилиш-таъмирлаш чиқиндиларидан ташқари) олиб кетиш нархлари киради.

Уйлардаги умумий майдонга кириш йўлаклари, томлар, ертўлалар ва унинг ичидаги муҳандислик иншоотлари (қувурлар, беркиткичлар, вентиллар), шахта ва хоналар орқали ўтган қувурлар, уй олди йўлаклари киради.

— Шу йил 1 июндан коммунал хизмат нархлари яна ошди. Бу тўғрида нима дейсиз?

— Коммунал хизмат нархларини оширишга мажбур қилган сабаб уларни тайёрлаб ва етказиб бериш учун кетадиган хом ашёларнинг нархлари ошиб кетганлигида, айниқса чет мамлакатлардан келтириладиганларининг нархи бир неча баробар ортиб кетганлигида.

Бу масалада шуни айтиб ўтиш жоизки, хонадон эгалари томонидан тўланаётган коммунал хизмат ва умумий майдонлардан фойдаланиш ҳақи битта ишлаётган одамнинг ўртача маошининг 10-15 фоизинигина ташкил этади.

Ҳолбуки, МДҲ давлатларининг баъзиларида бу фоизлар 50 га етади ва айрим ҳолларда ундан ҳам ортади.

Яна шуни айтиб ўтиш керакки, коммунал хизмат кўрсатиш таннархини давлат томонидан қоплаш 90 фоизгачани ташкил этади.

— Аҳолининг муайян қисмида ҳақли бир норозилик туғиляпти: маълумки, вақт ўтиши билан уй ичидаги қувурлар, баъзи жиҳозларни ўз ҳақидан таъмирлашга тўғри келади. Авваллари буни «ЖЭК»лар текинга тузатиб берарди. Хўш, бундан шундай хулоса туғилади. Уйлар хусусийлашгач, «ЖЭК»лар нима қилади?

— Авваллари аҳоли давлат уйларининг ижарачилари ҳисобланар эди. Эндиликда эса уйлар хусусийлаштирилиб, давлат тасарруфидан чиқиб кетди. Натижада «ЖЭК»лар, туман ва шаҳар уй-жой бошқармалари тугатилди.

Бундан кейин бир муаммо пайдо бўлишини, яъни уйларга коммунал хизмат кўрсатишни ва улардаги умумий майдонлардан фойдаланиш ишлари билан шуғулланадиган корхона кераклигини раҳбарларимиз олдиндан кўриб, «ЖЭК»лар ўрнига ижара корхоналари ташкил қилди. Шаҳар уй-жой бошқармаси ўрнига уни шаҳар муҳандислик иншоотларидан фойдаланувчи корхоналар билан тўлдириб ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасини ташкил этди.

Бу ташкил этилган корхоналар уй-жой эгалари ихтиёри билан контракт-шартнома тузиб, коммунал хизмат кўрсатишни ва уй-жойларнинг умумий майдонларини фойдаланишга тайёрлаб беришни ўз зиммасига олдилар.

Демак уй ичидаги таъмирлаш ишлари, хоналарнинг санитария ҳолатини сақлаб туриш, газ, иссиқлик, совуқ ва иссиқ сув анжомларини таъмирлаш ишларини хусусий мулк эгалари ўзлари амалга оширишлари шарт ёки бўлмаса ижара корхоналари (ЖЭК) қошидаги пуллик хизмат орқали ҳал этишлари мумкин.

— Айнан шу уй ташқариси, яъни кириш йўлаклари, томларда, ертўла ва уй олди майдонларида ижара корхоналарининг фаолияти сезилмаяпти, нега?

Томдан чакка ўтса, хонадон эгаси тузатиши керакми?

— Ҳозир хом ашёларнинг қимматбаҳолигини ва маблағ етишмаслигини ҳисобга олиб, бажарилаётган ишлар биринчи галда энг зарур жойларда, яъни коммунал хизматини бир маромда олиб бориш, уйларнинг муҳандислик иншоотлари техник ҳолатини сақлаш учун қилинмоқда.

Ўтган қишки мавсумга уйларни тайёрлашда, томлар, уйларнинг кириш йўлакларидаги эшиклар таъмирланди, йўқлари ўрнига янги эшиклар ўрнатилди, синган ойналар алмаштирилди. Лекин баъзи уйларда янги эшиклар ва ойналар синдирилган ёки ҳозир улар йўқ...

Бу билан мен шуни айтмоқчиманки, биз томондан ҳам, хусусий хонадон эгалари томонидан ҳам, уй-жой қўмиталари томонидан ҳам уйлардаги борки анжомларни тежаб, авайлаб сақлаш учун ҳаракат қилишимиз керак. Ахир булар учун сарфланаётган пул ўзимизники, ўз ҳамёнимиздан тўламоқдамиз. Ҳар бир харажат (у томни сувашми, эшик тузатишми...) ўз ҳамёнимизга зарарлигини ҳаммамиз тушуниб етишимиз керак.

Уй-жойларнинг техник ҳолатини яхшилаш мақсадида ҳукуматимиз кўп ёрдам кўрсатмоқда. Масалан, ўтган йили Вазирлар Маҳкамаси кўрсатмаси билан республикамиздаги 36 вазирлик 54 та уйни ўз маблағлари, хом ашёлари билан тўла таъмирлаб беришди. Бундан ташқари кўпгина бошқа корхоналар ҳам анчагина ёрдам кўрсатишди.

— Чилангар (слесарь) чақирсангиз келади, лекин «Материал йўқ», дейди...

— Уйларда содир бўлган носозликларни ўз вақтида бартараф этиш учун ижара корхоналари, коммунал фойдаланиш бошқармалари қошида диспетчерлик хизматлари фаолият кўрсатмоқда. Ана шу носозликларни тузатишни назоратга олувчи шаҳар диспетчерлик хизмати ҳам мавжуд.

Ундан ташқари бирлашмамиз қошида ҳар куни соат 9.00 дан 19.00 гача аҳолини қабул қилиш бўлими фаолият кўрсатмоқда.

Шоли курмаксиз бўлмайди дегандек, бизда ҳам ижара корхоналари томонидан ўз ишига сусткашлик билан қараш ҳоллари учраб туради, бундайларга қаттиқ чора кўрилмоқда. Яқинда 10 ходим ўз вазифасидан озод қилинди. Масалан, 4-ижара корхонаси раҳбари (Сергели туманида), 1-ижара корхонаси раҳбари (Шайхонтоҳур туманида) ва ҳоказо.

— Иссиқ сув нега қиммат?

— Биринчидан, иссиқ сувни тайёрлаш сарфланадиган энергия манбаларига боғлиқ, иккинчидан, иситиш ускуналари фақат четдан келтирилади.

Бунга тайёрланган иссиқ сувни жойларга етказиб бериш учун керак бўладиган қувурлар нархи ҳам киради.

Бу ерда шуни айтиб ўтиш жоизки, агар соҳа ходимлари билан ўз вақтида актлар тузилса, олинмаган иссиқ сув ёки кўрсатилмаган коммунал хизматга пул тўланмайди...

— Уй ёнидаги болалар спорт майдончалари кимга қарайди, нега баъзи одамлар атрофни ҳар хил нарсалар билан тўсиб олади?

— Болалар спорт майдончалари, уй атрофидаги жойлар, кўкаламзорлар, дарахтлар шу уйда яшовчиларнинг дам олишига қулайлик туғдириш ниятида қилинган. Уларни бузиш ёки атрофини ўраб олиб, фақат меники дейиш нотўғри.

— Ким маълумотнома (справка) бериши керак?

— Уй-жойга тааллуқли маълумотномалар ижара корхоналарида берилади. Лекин уйлар хусусийлаштирилгандан кейин, ҳар бир хонадон ўзининг рўйхат дафтарчасига эга (прописка, выписка), улар маҳалла·қўмиталаридан олишлари керак.

— Хонадонларда итлар кўп, ахлат контейнерлари кам, яна охирги савол: агар уй олдига дарахт экса пул тўлайдими?

— Хонадонлардаги итларни рўйхатга олиб, уларни ветеринар рухсати бўлсагина боқиш, кўча-кўйда фақат тасмада бойланган ҳолда олиб юриш ҳамда улар учун сарф қилинган коммунал хизматдан фойдаланганлиги учун пул тўлаш тўғрисидаги ишлар ҳозир тезкорлик билан ветеринария хизмати ва ижара корхоналари томонидан олиб борилмоқда.

Ахлат контейнерларини (ҳозир бу жуда қиммат нарса) қўйиб кетишига қарамасдан унинг ичида олов ёқиб юборишмоқда, натижада у ўндан бир хизмат муддатини ҳам оқлаёлмаяпти.

Ўзингиз ўйлаб кўринг: бундай аҳволда қачон уни тўла етказиб бўлади?

Кўчат экиш — бу сахийлик, қанча кўп кўчат экилса, атроф шунча кўкаламзор бўлади. Ким экилган кўчатни ўзбошимчалик билан кесиб ташласа, у одам жарима тўлайди.

— Холис саволларимизга баҳоли-қудрат жавоб берганингиз учун раҳмат.

Ҳамид ИКРОМОВ,
«Ўзбекистон овози»
махсус мухбири.

ЗУЛФИЯ



Ўзбек адабиёти оғир жудоликка учради. Ўзбекистон халқ шоири, атоқли жамоат арбоби Зулфия (Зулфия Исроилова) шу йил 1 август куни 82 ёшида вафот этди.

Зулфия бутун умри давомида фаол ижод қилди. Шеъриятда Шарқнинг буюк фозила аёллари Гулбаданбегим, Зебуннисо, Увайсий, Нодирабегим бошлаган анъаналарни давом эттириб, янги поғонага кўтарди. У ўз ижодида аёлларнинг эрк ва саодатини, халқлар ўртасидаги эзгу дўстлик ва биродарликни самимий тараннум этди. Ёруғ ва ёрқин ижоди муҳаббат ва вафо, садоқат ва матонат тимсолига айланди. Унинг ижоди ва ҳаёт йўли мумтоз шоир Ҳамид Олимжон номи билан чамбарчас боғлиқдир.

Атоқли шоиранинг «Ҳаёт варақлари», «Ҳижрон кунларида», «Юрагимга яқин кишилар», «Мушоира», «Соғинч сатрлари» каби тўпламлари ўзбек шеъриятининг олтин хазинасидан ўрин олди. Ўттиз йилдан кўпроқ вақт давомида Зулфия ўзбек хотин-қизларининг севимли журнали «Саодат»га раҳбарлик қилди. Баркамол ижоди билан ўзбек шоир ва адибларининг жуда катта авлодини тарбиялаб вояга етказди.

Мамлакатимиз мустақиллиги, истиқлол руҳи Зулфия ижодига янгича оҳанг, фавқулодда жўшқинлик, куч-қувват бахш этди. Бу даврда яратилган шеър ва достонларида ҳур ва озод ватанга чуқур муҳаббат, иймон-эътиқод, меҳр-оқибат ҳисси, бунёдкор халқимиз қудрати ва истиқлолимиз равнақига бўлган қатъий ишонч туйғулари айниқса ёрқин намоён бўлди.

Зулфия шеърияти нафақат ўзбек адабиёти, балки жаҳон адабиётидан ҳам муносиб ўрин эгаллади. Турли тиллардаги энг нодир асарларни моҳирлик билан таржима қилиб, миллий адабиётимизни бойитди.

Зулфия юксак ижоди ва ибратли жамоатчилик фаолияти учун давлат мукофотларига, Жавоҳарлаъл Неру номидаги халқаро мукофотга, Халқаро Нилуфар мукофотига, «Меҳнат қаҳрамони» унвонига сазовор бўлди. Биринчилар қатори мустақил давлатимизнинг «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Ўзбек адабиётининг ёрқин юлдузи, ардоқли шоира, атоқли жамоат арбоби Зулфия хотираси халқимиз қалбида абадий яшайди.

И. КАРИМОВ, Э. ХАЛИЛОВ, Ў. СУЛТОНОВ, И. ЖЎРАБЕКОВ, Т. АЛИМОВ, Х. ЖЎРАЕВ, А. ҚОСИМОВ, С. САИДҚОСИМОВ, Д. ҒУЛОМОВА, З. МУҲАММАДЖОНОВ, Ҳ. НОСИРОВА, А. ОРИПОВ, О. ЁҚУБОВ, Т. ҚАИПБЕРГАНОВ.

ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ

• *КИЕВ. Украина ташқи ишлар вазири Геннадий Удовенко расмий ташриф билан Москвага кетди.*

У Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаков билан учрашиб, икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари, Қора денгиз флотининг тақсимоти, Россия—Украина чегарасини расмийлаштириш ҳамда Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг Украинага бўлажак ташрифига доир масалаларни муҳокама қилади.

Геннадий Удовенконинг Россия хавфсизлик кенгаши котиби Александр Лебедь билан ҳам учрашуви кутилмоқда.

ҒАЙРИҚОНУНИЙ ҲАРАКАТ ДЕБ БАҲОЛАНДИ

• НАЙРОБИ. Танзаниянинг Аруш шаҳрида бўлиб ўтаётган олий даражадаги минтақавий анжуман қатнашчилари Бурундида янги ҳукумат ўрнатилишини «ғайриқонуний ҳаракат», деб баҳоладилар.

Шунингдек, анжуман иштирокчилари Бурундида конституциявий тартиб ўрнатилмаса, унга қарши иқтисодий жазо чоралари қўллаш масаласини ҳам муҳокама қилмоқдалар.

РАКЕТА УЧИРИЛДИ

• *МОСКВА. 1 август куни Бойқўнғир космодромидан «Союз-У» ракетаси фазога чиқарилди. Фазо кемаси «Мир» станциясига юк ташувчи «Прогресс М-32» кемаси, ёқилғи, фазогирлар учун озиқ-овқат, шунингдек, халқаро фазовий дастурга асосан Россия ва Франция давлатлари ҳамкорлигида ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналарни етказиб беради.*

САВДО АЛОҚАЛАРИ КУЧАЙМОҚДА

• РИГА. Латвия жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ниятида. Бу ҳақда Латвия иқтисодиёт вазири Гунтарс Крастснинг жаҳон савдо ташкилоти бош директори муовини Чилс Ким билан учрашувидан кейин ўтказилган матбуот конференциясида маълум қилинди.

Бугунги кунда мазкур халқаро ташкилот аъзоларининг сони 122 тага етди. Латвия Республикаси уларнинг 30 таси билан савдо алоқаларини йўлга қўйган.

АНТИҚА «МОЗОР» ТОПИЛДИ

• *КРАСНОЯРСК. Сида дарёсининг қирғоғида антиқа «мозор» топилди. Унда қадимда яшаган мамонтлар, Сибирь каркидонлари, бизонлар ва шимол буғулари жасадларининг қолдиқлари бор.*

Саяно-Шушенск кўриқхонаси мудири Александр Рассоловнинг таъкидлашича, илм-фан учун катта қимматга эга бўлган мазкур топилма «бахтли тасодиф» туфайли — соҳил бўйидаги жарликлар қулаши натижасида юзага чиққан.

ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНЯПТИ

• ИСЛОМОБОД. «Покистон мамлакат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган ядровий тадқиқотлар миллий дастурини амалга оширишни тўхтатмайди», деб баёнот берди ядровий тадқиқотлар миллий дастури раҳбари Абдул Қодир Хон. Унинг таъкидлашича, ғарб давлатларининг тазйиқларига қарамай, Бош вазир Беназир Бхутто тадқиқотлар тўхтаб қолмаслиги учун барча имкониятларни ишга соляпти.

КОНВЕЙЕРДА — ЯНГИ МАШИНАЛАР

• *ҚОЗОН. Россия, Татаристон ҳукуматлари ва Америкининг «Женерал Моторс» компанияси ўртасида 1995 йилда имзоланган шартномага кўра, Елабугада енгил автомобиль ишлаб чиқарувчи қўшма корхона ташкил қилинмоқда.*

Татаристон Президенти Минтемир Шаймиевнинг таъкидлашича, «Елаз-Женерал моторс» ҳиссадорлик жамиятига қарашли Елабужск автомобиль заводи шу йилнинг декабрь ойидан бошлаб «Шевроле блейзер» автомашиналарини ишлаб чиқара бошлайди.

Аломат гаплар

ТУТҚУНЛИК БИР ДОЛЛАР ТУРАДИ

ПАРИЖ. Баъзида бахтсизлик ҳам бахт келтиради дейишади. Тўғрироғи, тинчгина ҳаёт кечириб юрган Перу Перо учун шундай бўлди. Судья Перунинг фойдасига 43200 доллар товон пули тўлашга қарор чиқарди.

Перу бунинг эвазига 30 кун қамоқхонада ўтирди. Маҳаллий полициячилар уни ўғирликда айблашганди. Текширув якуни эса Перуни оқлади. Полициячилар англашилмовчилик содир бўлганини айтишди. Расман тан олишди. Лекин полициячиларга бу «англашилмовчилик» анча қимматга тушди. Турмада ўтказилган ҳар бир минут бир долларга тенг, деб топилди.

Ҳа, афсус, гоҳида озодликда бунинг қадрига етмаймиз-да!

ХАЛҚ АРО ҲАЁТ

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА...

• ВАШИНГТОН. Миср Араб Республикаси Президенти Ҳусни Муборак АҚШ Президенти Билл Клинтон билан учрашуви чоғида Яқин Шарқ муаммоси юзасидан кенг кўламда музокара олиб борди.

«Минтақада хавфсизликни таъминлаш ва Ер юзида тинчликни сақлашда АҚШ муҳим ҳамкордир», деб таъкидлади Миср раҳбари журналистлар билан учрашувда. АҚШ Президенти Билл Клинтон ҳам ўз навбатида, Яқин Шарқда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш муҳим иш эканини билдирди.

* * *

• ХАНОЙ. Вьетнамнинг шимолий вилоятларида юз берган «Фрэнки» тўфони оқибатида 67 киши ҳаётдан кўз юмди. 54 киши бедарак йўқолди. 400 мингдан ортиқ аҳоли бошпанасиз қолди ва бир қанча муҳим иншоотлар яроқсиз ҳолга келди. Кучли жала натижасида дарё тошиб, 200 минг гектардан зиёд майдондаги қишлоқ хўжалик экинлари сув остида қолди. Табиий офат 150 миллион АҚШ доллари миқдорида моддий зарар етказди.

* * *

• АФИНА. Греция ҳукумати 2004 йилги Ёзги олимпиада ўйинларининг Грецияда ўтказилиши тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлашга чақирувчи баёнот эълон қилди. «Умуман, олимпиада ўйинларининг мунтазам равишда Грецияда ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди», дейилади, жумладан, баёнотда.

Греция ҳукумати вакили Димитрас Репшаснинг таъкидлашича, сўнгги кунларда Атлантада содир бўлаётган воқеалар мазкур хулосага асос бўлади.

Шунақасиям бўлади

ЯШИЛ ФИЛ

Заир давлати. *Манонолиқ зоологлар чангалзорларда яшил рангли филни учратишди. У ҳозирча дунёдаги ягона яшил филдир! Мутахассисларнинг фикрича, яшил филнинг феълатвори, вазни авлодларидан сал фарқланади. Унинг вазни оддий филларнинг ярмига кам тош босади.*

Қизиғи, яшил фил «тураркан», яъни орқа оёқларидаям юра олади. У кайфи чоғ бўлса, айиққа ўхшаб икки оёқлаб «эркаланармиш». Ҳозирча фанга маълуми шу!

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 5

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 «Тонгларга туташган наволар». Абдурасул Ғуломов.
8.50 «Табиат—ҳаёт сарчашмаси». Кинодастур.
9.30 Болалар учун. «Қувноқлар давраси».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Сизга таъзим». Публицистик кўрсатув.
10.35 Ҳ. Имомбердиев. «Сирли ҳарфлар ороли». Республика кўғирчоқ театрининг спектакли.
11.25 Бухоронинг 2500 йиллигига. «Илм—ўзликни билмакдир». Публицистик кўрсатув.
11.45 «Қарнайгул». Мультфильм.
11.55 «Яхши дам — меҳнатга ҳамдам».
12.20 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.50 «Соҳибжамол Ойсулув ҳақида ривоят». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Эркатой».
18.30 «Фақат қизлар учун!»
18.50 «Мозийдан садо».
19.05 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Асака қалдирғочлари».
21.25 «Рангин дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.50 Оҳанглар оғушида. «Агар севсанг...»
22.05 «Бу оқшом...»
22.30 «Морена Клара». Телесериал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10 — 00.20 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Услуб» (мода янгиликлари).
18.25 «Палитра».
18.55 «Мультфейерверк».
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон ҳафталиги».
20.10 «Мусиқа, ҳолос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Клип-антракт».
21.05 «Куръер».
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.55— 23.55 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Она замин гузаллиги». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.10—00.05

*

00.05—00.10 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Кўзмунчоқ». Болалар учун дастур.
19.30 Эълонлар.
19.35 «Спорт-тайм».
20.05 «Жонли тил».
21.05 «5+1». Интервью.
21.30 Эълонлар.
21.35 Кинематограф. «Инспектор Фрост». Телесериал.
22.25 «Зеҳн».
22.40 Эълонлар.
22.45 —22.55 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА,6

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

* * *

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Сумалак» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
9.05 Биржа ва банк хабарлари.
9.25 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Заргар».
9.35 «Булбулзабон суҳандон». Адабий кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Замин фидойилари». Публицистик кўрсатув.
10.30 Инглиз тили.
11.00 «Қизиқарли учрашувлар». Йўлдош Охунбобоев номидаги Ёш томошабинлар театри актёрлари билан учрашув.
11.30 «Бембининг болалиги». Бадиий фильм.
12.45 «Бешинчи довон».
13.20 «Энг ширин қовун». Мультфильм.
13.30 «Онасан, меҳрибонсан». Мусиқий композиция.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эртак».
18.25 «Виждон». Телесериал.
19.10 «Спорт. Спорт. Спорт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Тафаккур». Тележурнал.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Бизнес-академия».
21.20 «Оҳанглардан таралган меҳр».
21.45 «Замон».
21.55 «Касбга садоқат». Профессор Лола Ҳужаева ҳақида телеочерк.
22.20 «Юртим жамоли».
22.35 Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм премьераси.
23.15 «Дурдона».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Мусиқий саёҳат».
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Блиц». Фотокурик.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Киноногоҳ».
23.25— 00.25 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Эски ҳужрада». Мультфильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00 «Телетонг».

***

18.10—20.35

*

20.35 «Қора сувсар изидан», «Қизойнакли илон». Телефильмлар.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25—22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Дарсга қунғироқ».
19.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Спорт-дайджест».
21.25 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
21.40 «Савол-жавоб». Хотин-қизлар учун дастур.
22.10 Эълонлар.
22.15 «16 эл». Немис тилида шарҳ.
22.45 «Дипқурьер».
23.05 Эълонлар.
23.10 «Океандан океангача». USA-круиз.
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 7

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Асрлар нидоси». Адабий кўрсатув.
9.00 «Икки эшик ораси». Публицистик кўрсатув.
9.30 Болалар учун. «Оромгоҳлар қўйнида».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ишбилармон». Тележурнал.
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Ассалом, япон тили!».
11.40 «Ватанпарвар».
12.10 «Бембининг ёшлиги». Бадиий фильм.
13.15 Футбол шарҳи.
13.30 Ўзбек куйларидан концерт.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.00 «Маърифат» видеоканали.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун концерт.
18.25 «Абадият қўшиғи».
18.45 «Замон билан ҳамнафас».
19.00 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Фольклор-этнографик жамоаларининг «Зилол» телефестивали.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Оҳанглар оғушида».
21.25 «Автоолам».
21.40 «15 дақиқа спорт ҳақида».
21.55 Шеърият лаҳзалари.
22.00 «Дубль».
22.10 «Жаҳон киноси юлдузлари».
22.30 «Морена Клара». Телесериал.
23.20 «Оҳанглар оғушида».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.05 — 00.15 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Табиат дунёси».
19.10 «Мультфейерверк».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юлдузли механика».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.20 «Гиннес-шоу».
22.45 — 23.45 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ойдарани тарк этиб...» Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

**

18.10—20.35

*

20.35 «Эсдалик учун дастхат».

*

Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25—22.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Дарсга қунғироқ».
19.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Спорт-дайджест».
21.25 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
21.40 «Савол-жавоб». Хотин-қизлар учун дастур.
22.10 Эълонлар.
22.15 «16 эл». Немис тилида шарҳ.
22.45 «Дипқурьер».
23.05 Эълонлар.
23.10 «Океандан океангача». USA-круиз.
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!»

ПАЙШАНБА, 8

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Кекса санъаткорлар».
9.05 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.25 «Афсонавий Бухоро». Кинокўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Футбол майдонларида».
10.30 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.00 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
11.35 Хотира. «Карим Маҳмудов». Телеочерк.
12.00 «Алла айтинг, онажон». Мусиқий композиция.
12.30 Болалар учун фильм. «Кўринмас одам».
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.25 «Жиноят ва жазо».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
18.30 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Дилнавоз садолар».
18.55 «Акциядор луғати».
19.10 «Омонлик тилаймиз».
19.15 «Кўзгудаги акс». Фототанлов.
19.25 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.15 «Мутойиба».
21.25 «Дилнавоз садолар».
21.40 «Одобнома».
21.50 Олтин мерос. «Ўтган кунлар». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10 — 00.20 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Автосалон».
20.15 «Мусиқа, ҳолос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Хобби-холл».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Киноногоҳ».
23.45 — 00.15 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.

(Давоми 4-бетда).

Кутлов

Бу ном ҳаммамизга таниш, кўнглимизга ғоят яқин. Ана шу сўз ҳар биримизга мактаб остонасидаёқ азиз бўлиб қолган. Аслида унинг бу муборак тўйини барчамиз кутласак арзийди. Чунки ўтган йиллар замирида халқимизнинг улкан ўтмиши ва ўлмас маърифати ётибди. Бетакрор илмларни бизнинг юракларимизга, шууримизга илк бор «Ўқитувчи» сингдирғани ҳам ҳақиқат. У ҳар бир хонадонга катта қувонч ва байрам олиб кирган.

Бу табаррук маърифат даргоҳининг миллионлаб ўқувчилари, мухлислари мамлакатимизда, қолаверса, қўшни қондош республикаларда ҳам унинг кутлуғ тўйини кенг нишонлашди. Нашриётнинг заҳматкаш жамоасига ўзларининг самимий қутлов ва тўйхатлари, истакларини йўллашди.

Дарвоқе, суюкли «Ўқитувчи»миз беш йилки мамлакатимизнинг нурли йўлларига эш бўлиб янгича, ёрқин йўллардан бораётир. Унинг синчков ва беназир ноширлари истиқлолнинг тоза ҳавосини ҳар бир ёш юракка етказмоққа чин дилдан киришди. Бу эса ўз навбатида жонкуяр жамоанинг кечаги кун билан эмас, балки эртанги куннинг ўтли нафасини ҳис этиб яшаётганини билдиради.

Йўқ, қадрдон «Ўқитувчи» учун олтмиш йиллик ўтмиш унчалик катта сана эмас. Аксинча, яна туганмас кучга тўлиб бораётгандай. У энди озод Ўзбекистонимизнинг эртасига, келажагига ўткирроқ назар билан қараётир. Шундай бўлсада, биз — унинг миллионлаб муштарийлари номидан маърифат зиёларини янада нурлироқ таратишда бетакрор заковат, куч-қудрат тилаб, «Ўқитувчи»ни муборак тўйинг қутлуғ бўлсин деймиз.

Нор ҚОБИЛ.

«ЎҚИТУВЧИ»МИЗ ОЛТМИШГА КИРДИ

Қўчқор **НОРҚОБИЛ**, Усмон Носир мукофоти совриндори

ТАРҚАБ КЕТАР БАҲОРЛАРНИНГ ҒУБОРЛАРИ

БАЛЛАДА
Р. П.га

Нима бўлди,
нени ўйладинг,
Гиналари содда, жайдарим.
Сочларингни силаб ўйнадим,
Бир гуноҳсиз бола сингари.

Кечир энди, бариси ўтди.
Келдим сенга бош уриб тағин.
Суйганларим шамолдай кетди,
Кўп тингладим ишқнинг эртагин.

Ўн бешми ё ўн олтимиди,
Наволарга тўла баҳорлар...
Гуноҳсиздим, ҳали ютмовди
Автолару қизлар, шаҳарлар

Гуноҳсиздик осмон сингари,
Қўшиқ бўлиб ёғар ёмғирлар.
Кўйлагингдан капалак бўлиб
Учар эди чиройли гуллар...

Сочларингда райҳонлар бўйи,
Билмабман-а, очун кирлигин.
Ўйламовдим қисмат ўйини
Юлқир умрим бокиралигин.

Энди чорлар тоза тонг бўлиб,
У баҳорлар-бахт садолари,
Тирноғингда қотди қон бўлиб
Қизғалдоқлар алвидолари.

Йиллар!
Мени тўзғитди,
йиллар!
Мен тўкилдим ҳижрон қўлида.
Юрагимда бевафо гуллар
Чуғирлашди ишқнинг тилида.

Юрагимни тугатди тамом,
Ёлғон йиғи... алдов... хайрлар.
Чин муҳаббат излайди ҳамон,
О, бечора содда шоирлар.

Тушларимда сен билан учдим,
Болаликнинг ҳаволарида.
Минг бор кечиб, қасамлар ичдим,
Буюкликнинг даъволаридан.

Макрларни ютиб келдим мен,
Қаҳрларнинг тиғи кўксимда
Мен ҳасратман, азобман бугун,
Сен қувонч бўл, жоним, ўксинма.

Сен умримни тонг каби ёрит,
Тарк этсинлар видолар, кинлар.
Сочларингмас, оқарган асли,
Менинг шеърим — энг бахтсиз кунлар.

Терс қарама!
Сўнгги бор...
Кечир!!!

Не ўкинч бор бу зардаларда?!
Ўшал чоғлар тирилди, қара,
Манов жавон, дарпардалар-да.

Ўшал чоғлар— энг гўзал қўшиқ,
Ассалом, эй тоза остона.
Қаҳратонда баҳор бўлди ишқ,
Бошлар урдим сенга ростмана.

Жоним, келдим, оғринма, жоним!
О, ғарибам, кўнглим бўлаги.
Сенсиз эрсам ўзимдан тондим,
Шафқат истаб йиғлар юрагим.

Бош эгасан... Тошмидир қалбинг...
Бунча ғалис ишқнинг матлаби.
Бу не жазо, жавоб бер, Раббим...
Содиқ ўлай унга ит каби.

... Бармоқларим куйгайдир ногоҳ,
Қароғингнинг оловларидан.
Гуноҳкорман, билгин, мен гуноҳ,
Кечма ишқнинг алдовларидан.

Бошлар урдим оёқларингга,
Лабларингдан учдилар жазо.
Қаҳринг гуллар сўроқларингда
Чиқиб кетдим...
Тонг чоғи... Жавзо.

Энди менинг борар ерим йўқ,
Умрим йўли —тўрт тараф — Севдим!!!
Қисмат менга аталган бир ўқ,
Теккани шу — алвидо, Севгим!



***

Бу менинг умримда
сўнгги қормиди,
билмадим,
қаршингда турдим
қалтираб.
Чексиз фалакларнинг
оппоқ бағридан
Бошимга қайғулар
ёғди ялтираб.

Ҳайрат сувратини
чизган киприклар
Қорларнинг бағрига
санчдилар Видо.
Бир қорча қадрим йўқ,
гарчанд тирикман,
Мен ишқнинг бағрида
музладим, Худо.

Ана осмонларни тўлдирган оқлиқ...
Бизни кузатарди йўқликка хушҳол.
Сўнгги бор қор расмин чизаётиб дил
Тилмочлик қиларди: «Кеч энди... хуш қол!»

Ўкириб йиғлашга етмайди журъат
Куч уни, ёлвордим бежон қўлимга.
Қорларга қоришиқ шу онда қисмат
Гуё маҳкум этар мени ўлимга...

Қўлнинг раҳми келди,чўзилди бесар
Юзларинг куйдирган бармоқлар бахтли.
Ё Тангрим!!!
Оламни чулғади баҳор
Қор қани?!
Дунёни яшиллик ёқди.

Бир зум кўзларингнинг оташи урди,
Ёндим. Ҳаловатда титранадур жон.
Ҳозир, ҳозиргина музлар эриди
Яна оқа бошлар томирдаги қон.

Кейин... нима бўлди?! Эслаш не керак,
Уйғондим аёзнинг ҳиссиз бағрида.
Тағин қорлар чўкиб музлади юрак
Тушдим арш-аълонинг нурли шаҳридан.

Ҳамон кипригингда қорлар ўйнарди,
Ҳамон ҳайрат билан боқар икки кўз.
Сени, иккимизни ҳамон қийнарди,
Баҳор, ёз, кузакда айтилмаган сўз.

Бас, дедим, қўлларим қайтди ўзимга,
Анграяр қор сочиб чарчаган осмон.
Айтма, керак эмас
Қайтдим, изимга,
Айтма,
Шунда бари тугайди осон.

Қайтдим. Рўмолингдай қорайди дунё
Зимистонлик ютди қорлар рақсини.
Не бўлди, ўлдимми?..
Йўқ эдим гўё
Йўқотдим тўрт фасл
ёққан кўксимни.

Бу менинг умримнинг сўнгги қорими?!
Билмадим, қаршимда зулмат боқарди.
Ҳар ҳолда йўлларим қоп-қора эди,
Ҳар ҳолда қор эмас, недир ёғарди.

МУҲАББАТ

Ойдан ўзди, олис кетди осмонлардан,
Ўзим куйдим юрагимнинг чўғларина.
Анга етдим фақат шеъру достонларда
Юрак тўлди ҳижронларнинг тиғларина.

Кўнгил куяр осмонларда бу не шарҳдир
Муҳаббатнинг қони қотди тирноғида.
Арзимадик куйган жоним бу ҳам тақдир,
Фалакларда юрган қизнинг оёғига.

Бахтли еллар ўпар фақат қўлларидан —
Тарқаб кетар баҳорларнинг ғуборлари.
Йигит бўлиб қучолмадим белларидан
Сачраб турар кулги бирла киборлари.

Мен ким эдим қуёшларга урдим ўзни,
Мен қаро ер, ул париваш осмон ўлар.
Чорлайвериб етолмагач баланд қизнинг
Осмонида ўлсам агар осон ўлар.

Қароғининг уммонлари тортди мени
Бир уммонки ошиқ жоним чўкиб кетди.
Шеър ёзмадим, оҳлар урдим-қутқаз фалак
Кўзларимдан қайғуларни тўкиб кетди.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи Ж. ИСКАНДАРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0427

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди 23.10

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

(Давоми. Боши 3-бетда).

17.55 Эълонлар.
18.00 «Молдавия шишалари». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00 «Телетонг».

***

18.10—20.35

*

20.35 «Қуриқхона ороллари», «Кошкар». Телефильмлар.

*

Россия давлат телевидениеси 21.00—21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.30 Эълонлар.
19.35 «Саломатлик— туман бойлик».
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Каталог».
21.10 «02» тулкинида.
21.25 «Сеҳр».
21.45 Эълонлар.
21.50 «Эколот-коктейль».
22.20 «Компьютер-ревю».
22.45 Эълонлар.
22.50 «Кобра». Телесериал (АҚШ).
23.35 — 23.45 «Хайрли тун!»

ЖУМА, 9

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Қўшиқларим Сизга армуғон». Ғиёс Бойтоев ва Муҳаммад Юсуф.
8.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
9.15 «Ўзбектелефильм» курсатади: «Чуст жилолари».
9.30 «Эл тинчлиги йўлида». Публицистик курсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун фильм. «Имконият».
11.30 «Кичкинтой» студияси. «Доно бобо даврасида».
11.55 Санъат усталарининг концерти.
12.30 Уйғун. «Ибн Сино». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.45 «Компьютер-шоу». Телемусобақа.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Митти юлдузлар».
18.25 «Маслаҳат».
18.40 «Йигит омон бўлса...».
19.00 Бизнес ҳафта якунлари.
19.10 «Мутолаа».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эртага — шанба».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Ривоят».
21.30 Эъзоздаги қўшиқлар.
22.00 «Таниш ва номаълум».
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.00 «Хуш келибсиз!»
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Бизнес ҳафта якунлари.
00.05 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Бизнес-уик».
19.00 «Сизнинг имконият».
19.10 «Мусиқа, холос».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Видеогид».
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 ТВ II намойиш этади.
21.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.40 — 23.40 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Чилангарлар». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00 «Телетонг».

***

18.15—20.40

*

20.40 «Нарзанлар водийси». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси 21.00—21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.

IV

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Учқун».
19.35 «Эл хизматида».
19.55 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.20 «Ташрифлар ва таклифлар».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Билиб қўйган яхши».
21.25 «Бу бўстон аро...».
21.55 Европа лавҳалари.
22.35 Эълонлар.
22.40 «Сирдошим».
23.10 «Жоним фидо, Сизга қўшнилар».
23.35—23.45 «Хайрли тун!»

ШАНБА, 10

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 «Сирли сандиқ». Телеўйин.

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

9.45 «Мен ёшликман».
10.45 «Онамнинг ўгитлари».
11.00 «Ғазалхон ёшлигим».
11.20 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
11.50 «Пахтакор», 40 ёшинг муборак!».
12.10 «Мен ҳам талаба бўлмоқчиман».
12.30 «Сув ва саҳро». Публицистик кўрсатув.
12.55 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
13.25 «Маънавият» видеоканали.
14.25 — 15.00 «Пойтахт концерт залларида».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Совға».
18.20 «Олам».
18.35 «Ҳайрат».
18.45 «Сиз севган қўшиқ».
19.05 «Мактуб».
19.15 «Оққуш».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Тарозу».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Рангин дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
21.25 «Ўзбекистон — Ватаним маним!».
21.40 «Кунгил».
22.00 Футбол. Осиё чемпионлари кубоги. «Нефтчи» (Фарғона) — «Ситора» (Душанбе).

«Тунги ёлғу».
Дам олиш дастури:

22.45 «Заковат».
22.55 «Мўъжиза».
23.05 «Имкон чўққилари».
23.20 «Андоз». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.20 «Камертон».
9.30 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
9.40 «АРТ-журнал».
9.55 «Табиат дунёси».
10.45 «Автосалон».
11.05 «Хобби-холл».
11.20 «Кинонигоҳ».
13.00— 14.00 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 «Мультфейерверк».
18.10 «Ўйинчоқлар растаси».
18.20 Ҳужжатли кино экрани.
19.00 Эълонлар.
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Бангкок — Хилтон». Телесериал.
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 — 23.45 Видео — «О».

III

17.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси 17.20—21.40

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.40 — 23.20 «Мукаррам опа ва қирқ гўзал». Телефильм.

IV

«Чинор» видеоканали:

10.00 «Дидар».
10.30 «Айчурек».
11.00 «Умид».
11.30 «Сахий хонадонда».
12.00 «Рангинкамон».
12.30 — 14.00 «Даҳонинг ёшлиги». Болалар учун фильм.

***

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Олам ва одам».
19.25 «Спорт-дайджест».
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.45 Оқшом эртаклари.
20.50 Эълонлар.
20.55 «Шалом».
21.15 Адабий театр.
21.25 «Эсдалик учун дастхат».
21.50 Эълонлар.
21.55 Кинонинг олтин асри. Луи де Фюнес «Оскар» фильмида (Франция).
23.15 Эълонлар.
23.20—23.30 «Хайрли тун!»

ЯКШАНБА, 11

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!».
11.00 «Цирк! Цирк! Цирк!».
11.30 «Ўзбекистон спорти». Тележурнал.
12.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.30 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 3-кўй.
13.10 «Мультипанорама».
13.30 «Бунёдкор». Қурувчилар кунига бағишланади.
14.00 — 15.00 «Нурли келажак». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «LEGO» сайёраси».
18.15 «Виждон». Телесериал.
19.00 «Келгуси ҳафтада».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бир улка-ки...». Мусиқий кунгилочар дастур.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Буюк келажак сари».
21.25 «Илҳом сатрлари».
21.30 «Шахс ва баҳс».
21.55 «Келгуси ҳафтада».
22.10 ЎзТВ экранида премьера! М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 4-кўй.
22.50 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 Футбол. Ўзбекистон кубоги. «Пахтакор» — «Навруз».
00.45 Тунги тароналар.
00.55 — 01.05 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультфейерверк».
9.20 Уйинчоқлар растаси.
9.30 Ҳужжатли кино экрани.
10.10 «Компьютер — Осиё».
10.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
11.00 «Видеогид».
11.20 Видео — «О».
13.00 — 14.00 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 «Даракчи».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультдаста».
18.30 «Боланинг тили...»
18.40 «Табиат шифохонаси».
18.50 «Дилором наволар».
19.00 «Таманно».
19.10 «Дармон».
19.20 «Транспорт ва йўловчи».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Мусиқий майдонча».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Видео янгиликлари.
21.25 Телесериал. «Норизо ва ношукурлар» туркумидан 1-фильм. «Онаизор» (Миср Араб Республикаси).
22.10 «Даракчи».
22.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.00 — 00.40 Видео—«О».

III

16.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси 17.05 — 21.45

*

Россия давлат телевидениеси 21.45—22.15

*

22.15 Эълонлар.
22.20—22.45 «Панорама».

IV

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!»
10.30 Эълонлар.
10.35 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
11.25 «Парле ву франсе?» Француз тили ҳамма учун.
11.55 Эълонлар.
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.10 «Жонли сайёра».
12.30 Киносалон. «Бир вақтлар ёввойи ғарбда».
15.10 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
16.40 «Оқ соя». Баҳодир Жалолов.

*

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «ТВ IV да етти кун».
19.15 «Телеташриф».
19.25 Эълонлар.
19.30 Киносалон. Аль Пачино «Карнито йўли» фильмида (АҚШ).
22.20 Эълонлар.
22.25 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин!»
22.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Оқ соя». Баҳодир Жалолов.
24.00 «Сенинг вақтинг».
00.30 — 00.40 «Хайрли тун!»

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раҳбарияти ва Котибияти Олий Мажлис депутати, Котибият бошлиғи О. Ҳ. Олимжоновга онаси, Ўзбекистон халқ шоири

ЗУЛФИЯ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

ОЛИМПИАДА ОДИМЛАРИ

ФУТБОЛ. Аёллар мусобақасининг финалида Хитой — АҚШ жамоалари (1:2) майдонга тушдилар. Йигитлар ўртасидаги ярим финалда эса Бразилия — Нигерия учрашувининг асосий вақти 3:3, қўшимча вақтида 3:4 ҳисоби қайд қилинди.

БОКС. Россиялик Раимқул Маратбеков билан кубалик Марола Меса ўртасидаги ярим финал учрашув 14:14 ҳисобида тугади. Ҳакамлар ютуқни Куба боксчисига беришди.

ВЕЛОПОЙГА. Вакилимиз Жамолиддин Абдужабборов 200 пойгачи орасида 186 километрлик масофани 20-бўлиб босиб ўтди.

ҚАЙИҚ ҲАЙДАШ. 14 нафар эшкак эшувчимиз дастлабки мусобақаларда муваффақият қозониб, курашни давом эттириш имкониятига эга бўлиб турибди.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Овқатни «хушхўр» қиладиган табиий зиравор—иштаҳа.

***

Меъдадаги таом сени ушлаб туради, ортиқча таомни эса сен ушлаб турасан.

***

Киши ҳар куни озроқ миқдорда майиз истеъмол қилиб юрса, у балғамли йўтални йўқ қилади ва бадандаги сафрони қувади, хотира яхши бўлади.

***

Ҳаммомга боришга ҳожат сезсанг, қорнинг тўқида борма, зарарлидир.

«МУРОДАКА»
ФИРМАСИ ЎЗ ТИББИЙ ХИЗМАТЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ



Бизда милк ва тишларни даволаш, қўйиш, олиш ҳамда бошқа тиббий хизматлар замонавий оғриқсизлантириш дори-дармонлари ёрдамида тез ва аъло сифатда бажарилади. Нархлар арзон, шартнома асосида, нақд ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Агар хоҳласангиз ташкилотга ёки уйингизга бориб стамотологик хизмат кўрсатишимиз мумкин.

Мурожаат учун манзил: Тошкент, Алгоритм - 1, 17-уй. Телефон: 72-35-11. «МУРОДАКА» фирмаси.

ЭШИТДИНГИЗМИ?

ЎЗБЕКИСТОНДА БИРИНЧИ МАРТА

«СТОМА СЕРВИС»

ФИРМАСИДА

АҚШнинг Огайо штатидан келган стоматология профессори жаноб Ричард Росс мижозларни қабул қилади ва фойдали маслаҳатлар беради.

Эслатиб ўтамиз:

фақат 45 кун мобайнида!

Шу боис, «Стомасервис»га шошилинг!

Хорижлик профессор қабулига қуйидаги телефонлар орқали ҳам ёзилиш мумкин:
/3712/ 64-14-60, 64-39-16
тел/факс: /3712/64-08-90



Манзил: Тошкент ш., Буюк Ипак йўли, 428 «Стомасервис», мўлжал-ТТЗ заводи.